



HURRIYAT


MUSTAQIL GAZETA

O'zingni angla!

Chorshanba, 7-oktabr, 2009-yil №44 (645) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

БЕМИННАТ, БЕБАХО ВА БЕҚАДР...

Очиги, кўпчилигимизга теккан бир камчилик бор: дўппи тор келмагунча “менганима” ёки “хали вақт бор” деб юрaverамиз. Электр токи ҳақини тўлаш учун вақтида бош қотирмаймиз, ташвиш чекмаймиз. Бирок, соҳа ходимлари учун йил бўйи тиним йўқ.



⇒ 2-бет

УЛАРНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ


Маданий ҳаётимизда ёзувчиларимиз, олимларимиз, зиёлиларимизнинг ўз хотираларини ёзиб, ўқувчиларга тақдим этиши яхши одат тусини олган. Ўз вақтида хотиралар асосида ёзилган аллома Тошмухаммад Қори Нибзийнинг “Ҳаёт мактаби”, устоз адиблар Ойбекнинг “Болалик”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асарлари шунчаки хотира бўлиб қолмай, балки адабиётимизни ҳам бойитган асарларга айланади.



⇒ 7-бет

САНЪАТ ФАҚАТ ТИРИКЧИЛИК ВОСИТАСИ ЭМАС!

Санъат — покиза тушунча, унга пул, таъма, гараз аралашдими, у тижоратга айланди деяверинг! Хусусий студияларнинг енгил-елпи кинолари кўпаяётганидан мен ҳам ташвишдаман. Пул тикаман деган ҳотамтой топилса бас, сўймакага тушиб кетишарми.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ОРШАНБАГАЧА

4-5 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов давлат таширифи билан Уммон султонида бўлиб, Уммон султони Қобус бин Саид билан учрашди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон султонида давлат таширифи якуллари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Маскатда ўз элчихоналарини очини хусусида келишим олдилар.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

1 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг “Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича XV жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

1 октябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги ҳамда “Ёшлар хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни кучга келди.

2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2010 йил учун асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сўбсати конпенсияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси апрофлича муҳокама қилинди.

29-30 сентябрь кунлари Тошкентда “Сўбсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонучилиги” мавзусида халқаро даража сўбсати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва “Мингтақавий мулоқот” подавлат ташкилоти (Словения) томонидан ташкил этилди.

ОБУНА — 2010

Муштарийлар сўбсатидан

- Эртага «Hurriyat»га обуна бўлмоқчиман.
- Эртани кутиб нима қиламиз, кейин, яхшиси бугунки бу эзгу ниятни амалга оширайлик!
- Ҳа айтгандай, сўбсий газетамизнинг нашр индекси — 233, бу эсдан чиқмасин-а.

Азиз ўқувчи! «Hurriyat» газетаси — Муस्ताқиллик фарзанди. Мана шу ўтган вақт мобайнида газета халқ турмуши, мамлакат ҳаётини бутун бўй-бастини, дарду дармони билан имкони борича тўла ёритишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Шу маънода газета ўз муштарийларига янада яқинроқ бўлиш, уларнинг ўй-кечинмалари, ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари билан фикрлашиш, юз бераётган ижтимоий-маънавий ўзгаришларни кенгрок ёритиш мақсадида «Hurriyat» одамлар орасида» деб номланган янги рукнини ташкил этди. Ушбу сонда мазкур рукндаги биринчи мақола билан танишасиз. ТАХРИРИЯТ.



ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ ҚУТҚАРАДИ

ЁКИ ҚАШҚАДАРЁ МАКТАБИ: САБОҚ ВА ТАЖРИБАЛАР

«Куч — адолатда»

... Тепаликлар. Гир айланаси ярим, салкам бир гектар тепаликлар. Агар Қашқадарё вилоятига йўлингиз тушган бўлса, ўнлаб, юзлаб бундай манзаралар дуч келгансиз. Ва албатта, булар «Қандай тепаликлар экан?», дея қизиқишингиз табиий. Шу пайтгача бизга уларни «қоровул тепалар» деб тушунтириб келиш-

ди. Эмишки, юртни ёғий босганда қоровуллар ана шу тепаликларга чиқиб, гулхан ёқиб бир-бирларига хабар берадилар. Ваҳоланки, мамлакатимизда топилган кўп қадимий иншоотларнинг аксарияти ана шундай тепаликлар қазилганда чиққан. Буюк «Авесто»да эса ҳеч қимса ерни ифлос қилмаслиги, сувни булғамаслиги, ўт-ўланларни захарламаслиги айтилади. Бош-

қача айтганда, зардуштийлар ўзлари экин экиб, деҳқончилик қиладиган ерларини, тупроқни муқаддас деб билишган. Шу боис ҳам улар ўз ҳовли-жойларини мана шундай тепаликлар устига қуришган. Бу тепаликлар қачонлардир зардуштийлар даврида бир уруг ёки бир оила яшайдиган қишлоқлар бўлган, деб фараз қилишди олимлар. — Агар тепаликнинг устидаги

тупроқни қўл билан сидириб ташласангиз, остидан минг йилларнинг ёғин-сочинлари из солиб, ўйиб ташлаган тарих қатламларига дуч келасиз, — дейди ҳамроҳларимиздан бири. Менинг ҳаблимдан эса Қашқадарё ҳам жаҳон айвонида юқоридаги каби бир Улуғ тепалик, деган фикр ўтади.

(Давоми 3-бетда.)

КУЗАТУВ

“ГАЗЕТАНГИЗ ҚАЙСИ КУНИ ЧИҚАДИ?”

(Матбуотимизда муаллифлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдаги айрим муаммо ва ечимлар хусусида)

Марифатпарвар болболаримиздан бўлиши Маҳмудхўжа Бехбудий муаллифлар билан ишлаш, ҳат ёзиш шартлари ҳақида ҳам ёзган эди. Жумладан, буюк марифатпарварнинг “Китобат ул-аффон” (Болалар мактаби) асариди бу ҳақда шундай дейилади:

- Котиб (бу ўринда муаллифларни ҳам назарда тутиш мумкин — АР) ҳар муддаони ёзмакчи бўлганда, ўшал муддаони ўзи яхши тушуниб, сўнгга ёзиши керак.
- Ўзи билмайдурган лугатни мумкин қадаринча ёзмасун.
- Ҳар тил ва лугат сўзини ўз қонда ва имлоси ила ёзмак лозим.
- Халқ орасида бугун унутулган эски форсий қалималарни қасдан ёзиши, ўқувчилар зеҳнини ташвишга солмаслик беҳроқдир.
- Хатни камсўз, сермаъно ёзмак керак. Ҳар бир хатни ўқиб кўриб, баъдинда юборилсин.

Бундан кўринаётгани ўша даврда ҳам муҳаррирлар муаллифларни хатни маъноли ва мазмунли ёзишга ундашган. Биронинг дилини хира қиламиз, кимнидир ранжитиб қўямиз деган фикрларга бормасдан, муаллифларга керакли шартлар очик-ойдин айтилган. Тажрибадан маълумки, газета ва журнал тахририятлари чет муаллифлар билан муштажам алоқалар ўрнатса, уларнинг ижод маҳсулларидан самарали фойдаланса нашр янада ўқишли, мавзулар қўламини ранг-баранг бўлади. Бугунги техника асрида бу жараён ўтган даврларга нисбатан тезлашиши, жадаллашиши керак. Бундай дейишимизнинг сабаблари бор, албатта. Тахририятимиз электрон почтасига кўплаб муаллифлар турли фикр-мулоҳазалари битилган ўз мактубларини, мақолаларини йўллашади. Табиийки, биз бундан хурсандимиз.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

РАСМИЙ ПХЕНЬЯН АҚШНИ АЙБЛАДИ



Расмий Пхеньян Корея ярим оролидаги ядро муаммоси масаласида икки томонлама ва кўп томонлама музокара-ларни ўтказишга тайёр эканини билдирди. Хитой Бош вазирини Вэн Цзябао бошчилигидаги делегация Шимолий Кореяга таширф буюрган пайтда ушбу баёнот эълон қилинди. Расмий Пхеньян вакили минтақада ядро муаммосининг юзага келишида АҚШни айблади.

АҚШ Давлат департаменти вакили Ян Келли, Оқ уй расмий Пхеньяннинг ядро муаммоси масаласидаги таклифини қабул қилганини расман билдирди.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

МУЛОҲАЗА

МАҒЛУБИЯТЛАРНИНГ БОШ ОМИЛИ:

маҳоратсизликдами ёхуд тажрибасизликда?

Бугун ўзбек футбол мухлисларининг кўнглига чироқ ёқса, ёришмайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Биринчидан, миллий терма жамоаси 2010 йилда Жаҳоний Африка Республикасида футбол бўйича бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасидан куруқ қолди. Иккинчидан, Осиё чемпионлиги лигаси мусобақасида қатнашаётган икки етакчи клубларимиз “Пахтакор” ва “Бунёдкор” мазкур турнирнинг чорак финал баҳсларида мағлубиятга учради. Учинчидан Осиё Конфедерацияси кубогига иштирок этаётган Фарғонанинг “Нефчи” клуби ҳам мусобақа машаққатини ярим йўлда бошқа клубга қўшқўлаб топширди. Туртинчидан, айна кунларда Мисрда давом этаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган юртдошларимиз ҳам мағлубиятга учраб, “ака”лари бошлаб берган ноҳуш анъанани давом эттирди. Ҳўш, бугун футболимизнинг бундай ҳолатдалиги нелар сабаб?

Ушбу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб изламоқда. Кимдир жамоаларимизга омад етишмаганини айтаётган бўлса, айрим футболга алоқаси бор кишилар футболчиларимизда халқаро учрашувларда ўйнашда тажриба камлигини таъкидлашмоқда. Бу фикрларда ҳам жон борга ўхшайди. Аммо Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида тадорик кўриш учун Испания, Англия каби давлатларда ўқув-йиғин машғулотларини кам ўтказди, дейсизми? Футболчиларимизнинг ўрнида бошқа юрт вакилларига шундай шароит бўлганда

ким билади, балки жаҳон чемпионатида нуфузли ўринларни эгаллашармиди? Йиғиларимизнинг эса майдонга тушишлари биланок оёқлари қалтираётганга ўхшайди. Айтиш мумкинки, ёш футболчиларимизга яратилган имкониятни ҳамма мамлакатлар ҳам ўз футболчиларига яратади, дейиш қийин. Яна юқоридаги фикр-ни давом эттирадиган бўлсак, кўпчилик футбол мутахассислари мағлубиятлар сабабини миллий чемпионатимизнинг номигагина ўтказиётганини, оқибатда мамлакатимизда футбол секин ривожланиётганини таъкидлашмоқда.

5 »

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ХАЁТ

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

БЕМИННАТ, БЕБАҲО ВА БЕҚАДР...

Электр энергияси қанча маблағ ва машаққат эвазига ишлаб чиқарилиши биланми? Келинг, аввало аксариятимиз билми, маъзани чақши у ёқда турсин, ҳатто ўқиганда ҳам эътибор бермайдиган маълумотларни келтириб ўтайлик. Мамлакатимизда электр энергияси қарийб ишлаб чиқариш нарҳида, яъни аҳолига устамасиз сотилаётган маҳсулотлардан ҳисобланади. Бу соҳадаги харажатларнинг катта қисми тармоқ жамғармаси ёки бюджетдан қопланади. Масалан, ускуналарни таъмирлаш, генераторлар қувватини ошириш каби ишларга “Ўзбекэнерго” компанияси 2007 йилда 112,6 миллиард, 2008 йилда эса 155 миллиард сўм сарфлаган. Гарчи электр ишлаб чиқарувчи корхоналар чет эл сармояси жалб қилинаётган бўлса-да, унга давлатимиз ва компания ҳам катта улуш қўшаётир. Охири, “Ўзбекэнерго”нинг интернетдаги сайтыга киргач, жуда кўп маълумотларни библи олдик. Мисол учун бир кВт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш мамлакатимизда 63-64 сўмга тушади. Айтайлик, ГРЭСда 8,14 киловатт соат қувват ҳосил қилиш учун 7 минг килокалория шартли қувват бирлиги сарфланади. Янада соддароқ қилиб айтсак, 1 миллион кВт соат қувват электр энергияси учун 250 тонна мазут, 330 минг кубометр газ, минг тонна кўмир сарфланади. Бу фақат хомшэй сарфи, холос.


ярим миллион хонадон бор. Аҳоли бир кеча-кундузда 28,5 миллион кВт соат электр энергиясини истеъмол қилар экан. Агар ҳар бир хонадон томонидан бир кеча-кундузда биттадан 100 ваттлик лампочка кераксиз вақтида ўчирилса, 450 миллион ватт соат қувват тежалган бўлади. Бу эса Тошкент ГРЭСдаги битта блок ишлаб чиқарадиган ток ҳажми билан тенгдир!

Айримлар “Ёксак, ёкибимиз-да, ахир электр токни ишлатиш учун чиқаради-ку” дейиши турган гап. Тўғри, бу гапни айтишдан мақсад лампочкани ўчириб, дейиш эмас. Асло! Уйимиз доимо ёруғ бўлсин! Асл мақсад, аввало, электр токи қанчалик машаққат ва маблағ эвазига келаётганини эслатиш. Иккинчидан, унинг қадрига етишга даъват этиш, холос. Учунчидан, пулни тўламаслик оқибатида биз соҳага қанчалик зарар келтираётганимизни тахлил қилиш.

Кейинги уч-тўрт йил ичида республикамизда қурилиш ҳажми юқорида эслганимиздек мисли қурилмаган даражада келмади. Айниқса, ёзда ҳам тўртта хонадоннинг бирида қурилиш ишлари олиб борилади. Гишт йўнадиған, плита текислайдиган, ёғоч кесадиған ускуналар қилин-ёзин фаоллаётган бўлади. Уларнинг яримидан кўпи ноқонуний, яъни ўғринча ишлатиётганини ҳаммаимиз биламиз. Лекин кўриб, кўрмасликка оламиз. Негаки, улар кимга ва қанча зарар келтираётганини билмаймиз. Жумладан, гишт кесувчи битта ускуна соатида 10 кВт соат электр токи сарфлайди. Агар бир кўчада 10 та шунақа ускуна ишлаб турса, соатида 100 кВт соат энергия олади.

Энди дўпмини кўйиб, бир ҳисоблаб кўринг: бундай ишбилармонлар бир ҳафтада, бир ойда қанча миқдорда электр токни ўғирлашапти? Ахир вилоятга етиб келган ва фойдаланган ток учун кимдир пул тўлаш керак-ку! Кечаюқундуз ёниқ қолган лампочкалар учун электр ҳақини ким тўлайди? Ҳар бир вилоятга бир кеча-кундузда 7-9 миллион кВт соат энергия берилади. Ой якулиганда ана шу ишлатилган токнинг ярим пули тўланади, холос. Бу ҳолат деярли ҳамма вилоятда бир хил. Наҳақда ГРЭСлар тўла қувват билан ишлаётган.

Кўлимиздаги маълумот билан танишсак: “Ўқимёсаноат” давлат акционерлик компанияси корхоналарининг электр энергиясидан қарзи 141 миллиард сўмдан ошиб кетган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва идоралар ҳар бирининг қарзи ҳам 30 миллиард сўмдан кам эмас. Биз эса электр тармоқлари идораси ходимларининг ёқасидан олиш билан овоқамиз. Бу ҳам етмаганидек, кўли қинғир назоратчида ҳисоблагични чаппа айлантиришини сўраб, унинг чўнтагига “чойчақ” солиб қўямиз. Ҳар ойда кўпи билан 10-12 минг сўмга тўғри келадиган тўловдан қочиш учун виждон, диёнати четлаб ўтадиганлар йўқми?



Билан симга уланиб, ҳаётини хавф остига қўяди.

Маълумотларга қараганда, ҳар ойда ҳақини тўламагани учун ҳар бир вилоятда 4 мингга яқин юридик шахс ва 10-12 минг хонадон тармоқдан узиб қўйилапти. Бунинг учун қўшимча ишчи гуруҳлари тўзилади, транспорт ажратилади, харажат талаб қилинади. Бироқ, қарздорлик оддий арифметикада 10 та рақамдан ҳам ошиб кетаяпти. Ҳўш, охири кўринмайдиған бу ҳолатни айрим одамларга қандай қилиб тушунтирмоқ лозим? Истеъмолдан узиб қўйилса-да, қўлбола сым билан тармоққа уланиб олаётганларнинг ишини қандай баҳолаш мумкин? Қўша-қўша уйи, қимматбаҳо машинаси бўла туриб, электр тўловидан қочиб юрган “бечоралар”га нима деса бўлади?

Энди ўз-ўзиндан савол туғилади. Қўлингиздаги уяли телефонга ойига 20-25 минг сўм тўлаганда бор-йўғи 5-10 минг сўмлик электр тўловини нега унутасиз? Ҳовлини таъмирлашга 15-20 миллион сўм топган бойвачча гишт йўнадиған ускуна ишлатган электр токи учун 200-300 минг сўмни тўлай олмайдими?

Қани, айтинг-чи, энг муруватли қасб огайнингиздан бир кило гўштни бепул ола биласизми? Дўқондор дўстингиз бир донга гугурт ёки шамни сизга бепул берадими? Йўқ, Унда нега электр ҳақини вақтида тўламайсиз? Нега энди бу ишни ҳокимлик ходими, солиқчи ёки маҳалла оқсоқоли қилиши керак? Очиги, кўпчилигимизга теккан бир камчилик бор: дўпни тор келмагунча “менга нима” ёки “хали вақт бор” деб юраверамиз. Электр токи ҳақини тўлаш учун вақтида бош қотирмаймиз, ташвиш чек-

маймиз. Бироқ соҳа ходимлари учун йил бўйи тиним йўқ. Мисол учун ўтган йили ва шу йилнинг ўтган даврида биргина Самарқанд вилояти бўйича 130 километр узунликдаги юқори қучланиш ва 2200 километр узунликда паст қучланиш узаги тармоқлари таъмирланди. Айрим ҳудудларда эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида 6 та нимстанцияда трансформаторлар катта қувватлиси билан алмаштирилди. Беш юздан ортиқ трансформатор таъмирланди. Агар Чирчиқда ишлаб чиқарилган ҳар битта трансформаторнинг 28-30 миллион сўм туршини ҳисобласак, қанча маблағ ажратилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Аҳолига Давлат дастури асосида вилоят бўйича 95 минг 319 донга замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Қишлоқ жойларида 20 километр узунликдаги таъмирталаб сизлар янгисига алмаштирилди. Биргина Самарқанд шаҳрида 11 та ёғоч устун темирбетон устуни алмаштирилди. 2,9 км узунликда юқори қучланиш ўри ости кабеллари (1 метри 2 минг сўм) янгиланди.

Бу ишлар албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Қанчадан-қанча маблағ сарфланди. Қолаверса, бу соҳада ишлаётганлар ҳам маош олиши, рўзгор тебратиши керак-ку! Мақолаи ўқигач, масалая нисбатан фикрингиз бироз бўлса-да ўзгаргандир. Бехуда ёнаётган лампочкани ўчиргандирсиз? Электр токни ўғринча ишлатётганларга ҳеч бўлмаганда таъна қила оларми? Рўзгор жамғармасидан ҳар ойи электр тўлови учун маблағ ажратишини ўғрайлик.

Хуллас, ана шу мулоҳазаларни айтмоқчи эдик, холос. Фармон ТОШЕВ, журналист.



Хабарлар
ОҚИМИ

Ҳуқуқ билимдонлари аниқланди

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номи драма ва мусиқа театрида “Ҳуқуқ билимдонлари” қувноқлар ва узоқлар республика беллашувининг финал босқичи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг “Ниҳол”, Бухоро вилоятининг “Ифтихор”, Наманган вилоятининг “Еш сенаторлар”, Сурхондарё вилоятининг “Алолат”, Самарқанд вилоятининг “Фемида” ва Тошкент шаҳрининг “Еш ҳуқуқшунослар” гуруҳлари ўзаро куч синашди.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, халқ таълими, ўрта махсус касб-хуна таълими бошқармалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Ушбу беллашувда ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунари, шў-жумладан сайлов қонунчилиги ва Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар борасидаги билимлари синавлан ўтказилди.

Тадбир натижаларига қўра, Самарқанд вилоятининг “Фемида” ҳамда Наманган вилоятининг “Еш сенаторлар” жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлишди. Иккинчи ўринга Тошкент шаҳрининг “Еш ҳуқуқшунослар”, учинчи ўринга эса Бухоро вилоятининг “Ифтихор” гуруҳлари лойиқ деб топилди. Голуб ва иштирокчилар Адлия вазирлигининг I, II, III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совалари, шунингдек, ҳуқуқий алабётилар билан тақдирландилар.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати.

Муаммога ечим топилади

“Жондор туман электр тармоқлари” корхонаси аҳоли ва улгуржи истеъмолчилардан юзага келган 361,2 млн. сўм миқдордаги қарздорликни бартароф этиш мақсадида корхона ҳудудида махсус касса ташкил қилди. Унга ўрнатилган терминал орқали пластик карточкалардан ҳар куни 4,5-5 млн. сўм миқдорда маблағ йиғилмоқда.

—Жорий йилнинг охирига қадар қарздорлик тўлиқ бартароф этилиб, янги йилни ёруғ юз билан қаршилаш ниятидаимиз, — дейди корхона раҳбари Жалол Ҳайдаров.

Умуман ошанда қарздорлик йил бошига нисбатан умумий 85 фоизга қисқарган туман электр тармоқлари корхонаси ходимларининг белгилаган дастур асосида иш олиб бораётганларидан далолат беради.

Шавкат НОСИРОВ, “Hurriyat” мухбири.

Тўрткўлда янги деҳқон бозори

Тўрткўл деҳқон бозори йилдан-йилда чирой очиб бормоқда. Жумладан, яқиндагина 1786 ўринли янги бозорнинг қурилиши ниҳоятда етказилди. Савдо мажмуасида 6 та павильон мавжуд бўлиб, сотувчилар ва харидорлар учун барча қудай шароитлар яратилган. Энг сўнгги замонавий архитектура ва ишлий аналларга асосланб барпо этилган янги бозорда ободлоштириш, атрофларини ҳўқаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ҳойиб ЁҚУБОВ, “Hurriyat” мухбири.

Мусаввир кўрғазмаси

Яқинда пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, расмкор Рўзихон Жалилованинг “Қишлоқнинг гуллири сизга, азиятлар” номида шахсий кўрғазмаси очилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилпга бағишланган ушбу кўрғазмада фарғоналик ижодкорнинг ўттизга яқин натюрмор, портрет, рағна-тавсир каби турли жанрдаги асарлари намойиш этилмоқда. Уларда гўзал Шўҳмардоннинг ҳушманзара табиати, шарқироқ сойлари, шарналарин-ю, мовий осмони, Қувасойнинг шириндан-ширин мевалари тасвирланган.

Мусаввирнинг “Довона йўли”, “Куз натюрморти”, “Анорлар”, “Баҳор”, “Кузги манзара”, “Қишқ ҳовли” каби асарлари расмкор дилининг ўткирлиги, қузатувчанлиги ҳамда ўш тунлиги ўсган ҳудуд тароватини нақадар теран ҳис этишидан далолат беради.

1999 йилда Қамолдин Бөхзод номидаги Миллий расмчилик ва дизайн институтини битирган Рўзихон Жалилова айни пайтда Фарғона давлат университетиде талабаларга тасвирий санъат сирларидан дарс бермоқда.

Абдуғаши МАМАСОДИҚОВ, “Hurriyat” мухбири.

Шоир ижодига бағишланган кеча

Тошкент вилоятининг “Турон” ахборот кутубхона марказида шоир Мирпўлат Мирзоянинг «Сурур» номида китоби тақдироти бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ва китобсеварлар иштирок этиди.

Тадбирда сўз ошан адабиётшунос олим Наним Каримов шоирнинг ўтган ишлар мобаҳишда газе-та-журналларда чоп этилган мақоалари ва таржи-маларидан тўлган китобнинг чоп этилиши ўқувчилар учун қутлимган соғва бўлганини алоҳида таъкидлади.

Шоирнинг сафдошлари ташкил ижодкорнинг ижодий фаолияти ҳақида тўхталиб, бирга кечган эсдаликларни тўғрисида гапириб беришди.

Ижодий кечада ёш шоирлар Мирпўлат Мирзоянинг янги шеърларидан намуналар ўқиб беришгани иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Алиба УМИРОВА, “Hurriyat” мухбири.

Мамлакатимизда бир йилда 55 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониети бор. Эҳтиёж эса 44-46 миллиард кВт соат атрофида. Демак, 8-9 миллиард кВт соат атрофидаги токни четга сотишимиз ҳам мумкин.

Бир нарсани фаҳр билан айтиш мумкин, 18 йил ичида Ўзбекистон ўзини ўзи электр қуввати билан тўла таъминлайдиган бўлди. Жумладан, 2004 йил ноябрь ойида Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ишга тушган. Самарқанд-Бухоро энергия тизимида 800 мВт қўшимча қувват пайдо бўлди. Мавжуд истеъмолчилар эҳтиёжининг қондирилиши билан бирга, ҳудуддан узоқ қишлоқларга юқори қучланиш тармоқ тортилди. Бу станция замонавийлиги, қуввати жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Дарвоқе, бу қувват Ургутда қурилган Сугдиёна подстанцияси орқали тарқатилмоқда. Шуни айтиш керакки, ҳозиргача иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришга асосан (90%) табиий газ ишлатилади, 10 фоизини эса мазут ва кўмир ташкил этади. Харажати камайтириш мақсадида соҳада ускуналарни асосан кўмирга мослаш ишлари давом эттириляпти. Агар “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти йилига 3 миллион тонна кўмир қазиб олаётган бўлса, шунинг 85 фоизи ГРЭСларга сарфланмоқда.

Ҳақиқатини тан олиш керак: болагимизда ҳира нурда дарс қилардик, теле-

визор базўр кўрсатарди. Ҳозир эса асосан жойларда ток етарли даражада. Бир йилда кўрганамиз, мустақилликнинг ҳар йилида бир туман мисолида қанча янги корхона ёки фабрика очилапти? Масалан, биргина Пахтачи туманида жорий йил бошидан 3 та гишт заводи ва 2 корхона фойдаланишга топширилди. Улар тўла қувват билан ишляпти. Демокчи-мизки, истеъмолчи кўпаймоқда. Бинобарин, Юртбошимиз айтганидек: “Республика энергетикаси мустақилликка эришган тақдирдаги-на тўла мустақил бўлади”.

Ҳўш, шунча катта ҳажмда ишлар қилинаётган экан, нега баъзан маҳалламизда, қишлоғимизда суткалаб электр токи бўлмайди. Ҳатто захирамиз бўла туриб, нега электр токи атайин ўчириб қўйилади? Назаримизда бу саволларга қуйидаги тахлиллардан жавоб изламоқ лозим. Ўзбекистонда 1 кВт соат электр токи аҳолига 64 сўм 80 тийинга сотилади. Бу нарх кўшни давлатлар, хусусан Қозғоғистонда 1,5, Қирғизистонда 2,1, Тожикистонда республикамиздагига нисбатан 1,8 баробар қиммат. Ма-шойиҳлардан бири “Қадрланмаган ҳар қандай неъмат бебаҳо нарсага айланади” деганда юз қарра ҳақдир.

Ҳар куни кўз олдимизда рўй берадиган бир ҳолатни тасаввур этайлик. Бир хонадонда камийда 10 та лампочка бўлади, 100 ваттлик 10 та лампочка 10 соатда 10 кВт соат нур сарфлайди. Энди ҳисоблаб кўринг, ўн та, юз та ёки минг та ошандаги лампочка қанча электр қуввати сарфлайди?

Мамлакатимизда тўрт

“АЙБСИЗ АЙБДОР БЎЛДИК”

(2009 йил, 1 июль)
Сурхондарё вилоятда яшовчи фуқаро И.Холтўраев имзоси билан чоп этилган “Айбсиз айбдор бўлдик” сарлаҳали мақолада тилга олинган ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятининг кўрсатмасига асосан Қашқадарё вилояти ИИББ томонидан мақола ўрганиб чиқилиб, маъсул ходимлар томонидан хизмат текшируви ўтказилди.

Хизмат текшируви жараёнида вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори И.Сайқанов томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилмагани ва ходимлар ИИВнинг меъёрий буйруқлари талаблари асосида ҳара-кат қилганлари аниқланди.

Бундан ташқари, фуқаро И.Холтўраевнинг аризаси юзасидан Қарши шаҳар прокуратураси томонидан суриштирув ишлари олиб борилиб, 2009 йил 22 июль куни вилоят ИИББ ЙҲХБ ходимларининг ҳарақатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатишнинг рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Юқоридан кўрсатилган текширув натижаларига асосан газетанинг нобатдаги сониде Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига асосан раддия беришнингизни сўраймиз.

Текширув натижаси юзасидан 2009 йил 28 август куни мақола муаллифига 24/2792-сонли жавоб хати юборилди.

Э.ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилоят ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

ТАХРИРИЯТДАН: Аввало, бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.Қурбонова оддий бир фуқаро аризага кўра махсус хизмат текшируви ўтказиб ва унинг натижаси хусусида тахририятимизга жавоб йўллаганликлари учун миннатдорчилик изҳор этамиз.
Аммо не ажабки, ушбу “хизмат текширу-

ЖАВОБ

ви”да аргўй И.Холтўраевдан бир оғиз ҳам гап сўраламади? Фақатгина мақола юзасидан муаллифга жавоб хати юборилди. Ўтказилган хизмат текширувиға кўра эса “вилоят ИИББ ЙҲХБ ЙПХ инспектори И.Сайқанов томонидан ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилмагани” аниқланган бўлса, демак йўловчи И.Холтўраев томонидан ЙПХ инспекторига тўхмат қилинган экан-да? Тахририят масаланинг ана шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратилиши ҳамда “хизмат текшируви” натижаси юзасидан мақола муаллифининг муносабати ҳам билдирилса, маъжўл бўлармиди деган фикрда.

“ҲУЖАТ ТОПШИРИШ ШУНЧАЛИК БЎЛСА...”

(2009 йил, 29 июль)
“Ушбу мақола юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, фуқаро Х.Урозовнинг Жиззах вилояти Фориш туман Қўлба қишлоғида яшовчи қариндоши Қозоқов Музаффар Норбек ўғли 2009 йил 13 июль куни Гулистон давлат университетининг “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” факультетига ҳужжат топширган.

Абитуриент М.Қозоқовнинг 6 донга 3х4 ўлчамдаги расмлари “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага талабларига тўғри келмагани сабабли унга бошқа 3.5х4.5 ўлчамдаги 6 донга расм олиб келиши, ҳужжатларни қабул қилган университет ўқитувчиси (қабул комиссияси техник котиби) Ш.Зияев томонидан талаб қилинган, лекин 086-шаҳардаги тиббий маълумотномага қабул комиссияси томонидан эътироз бўлмаган.

“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” факультетиде 2009 йил 22.23.24 июль кунлари касбий (ижодий) имтиҳонлар бўлиб ўтган. Хусусан, 23 июлда “Қалам тасвири”, 23 июлда “Ранг тасвири”, 24 июлда “Чизмалик”дан касбий (ижодий) имтиҳон бўлган.

Абитуриент М.Қозоқов 22.23 июль кунлари касбий (ижодий) имтиҳонга келмаган. 24 июль куни эса тахминан соат 11 ларда

“АКАМ МЕНДАН ХАФА”

(“Hurriyat”, 2009 йил 16 сентябрь)
Мақолада ёритилган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, даввогар Бобоёрова Зулфиязар жавобгар Мусаев Нуриддинга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Н.Мусаев билан 1994 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликларини, ўрталарида тўрт нафар фарзандлари борлигини, турмушлари даврида Чирокчи тумани Сувлик қишлоғида жойлашган 5 хонали уй-жойда яшаб келганликлари, ушбу уй-жойни ўзлари қурганликлари, бироқ, ўзлари яшаб келган уй-жойнинг эгаллиги белгиланмаганини, ўзи ушбу уй-жойда паспорт рўйхатида туришини, аммо турмуш ўртоғи ва унинг акалари жанжал қилиб, уни уй-жойдан ҳайдаб юборганини, ҳозирги кунда фарзандлари билан биргаликда ота-онанинг уйда яшаб келаётгани ҳамда ота-онанининг уйда яшашига шароит йўқлигини, фарзандлари Сувлик қишлоғида жойлашган уй-жойда туғилганини, аммо турмуш ўртоғи Мусаев Нуриддин уларнинг ўз уйларига кириб яшашларига тўсқинлик қилаётганини баён қилиб, фарзандлари билан биргаликда Чирокчи тумани Сувлик қишлоғида жойлашган уйларига мажбурий тартибда кири-тиб қўйишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирокчи туманлараро судининг даввогар З.Бобоёрова-нинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақидаги 18.08.2008 йилдаги ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 13.01.2009 йилдаги аж-рими билан ўзгартирилган, жавобгар Н.Мусаевнинг шикоят қаноатлантирилмасдан қол-дирилган.

Суд қарорлари вилоят прокуратурасида ўрганилиб, қонуний ва асосли деб топил-ган.

О.АМИРКУЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокуро-ри ўринбосари вазифасини бажарувчи, адлия катта маслаҳатчиси.

НИГОХ

(Бошланғич 1-бетда.)

Унинг кустини очган сари қадим даврлардан тортиб кечаги уни мизгача бўлган тарихнинг яхши-ёмон, хуш-нохуш эврилишларини, инсон деб аталган буюк зотнинг бу эски дунёни хар сафар қайта «қўқартириш» борасидаги сабр-тоқати-ю, матонати, ақл-идрокига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шахрисабз туман «Нуроний» жамғармаси раиси Боқижон Эргашевнинг ёши саксондан ошибди. Аммо у ўзининг гап-сўзлари, қадам олишлари билан унча-мунча эллибкойни йўлда қолдиради.

— Кечагина бир гуруҳ отахонларимиз Бухорои шарифни зиёрат қилиб қайтишди, — дейди Боқижон ака. — Эй, укаларим, бугун ёши етмишдан тепадаги кишилар ҳаётларида нима қўришди? Аини қирчиллама умрлари меҳнат билан ўтди: қора қозони қайнаганига шуқр қилишди. Бугунгидек данғиллама уйлар-у, боғчидай «Нексий»лар уларнинг тушига ҳам қирмаган. Эрта тонгдан дала-қир, тушликда белбоғларига тугилган битта ном, яшаш жойлари пахса уй бўлди.

Бизнинг қишлоқ ва шаҳарларда қурилаётган янги уй-жойлар, посёлкалар, одамларнинг турмушлари билан қизиқатганимизни сезиб Боқижон ака бир зум жиддий тортиб, деди:

— Сизларга бир ривоят айтиб берай. Қадимда бир донишманд ўтган экан. Улими олдидан яқка-ю ягона фарзандини олдига қақариб, шундай насиҳат қилибди: «Ўғлим, мабодо турмушда қийналиб, уй-жойни сотмоқчи бўлсанг, аввал анави тандирхонани бузиб ташлаб, қайта қурганидан кейингина ҳовли-жойни сотгин». Қария шундай деб, бир кун омонатини топирибди. Орадан йиллар ўтиб, фарзанд ростдан ҳам ҳовли-жойни сотишга муҳтож бўлиб қолибди. Шунда ўйланиб: бир пайтлар отам, «уй-жойни сотишдан аввал тандирхонани бузиб, қайта қургин» деб насиҳат қилган эди. Қани ўша ишни қилай-чи», кейин уйни сотиш қочмас, деб тўқилиб қолган тандирхонани бузиб ташлабди. Бузишга бузибди-ю, қуришга ўйлаб қолибди. Битта тандирхона учун қанча тош, кесак, ёғоч керак бўлибди. У ёққа қолибди, бу ёққа қолибди, ахир бир кун тандирхона битгач, отасининг насиҳати мағзини қақибди: битта тандирхонага шунча ташвиш тортидим. Бундай катта ҳовли-жойни қуриш учун отам ҳазиллакам азият чекмаган экан-да, деб уни сотишдан воз кечган экан.

Демокриманки, укаларим, мана бу янги маҳаллалар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Сизларга битта гапни очик-ойдин айтадиган бўлсам, бутун Ўзбекистонда пайдо бўлган замонавий ободончиликнинг илк тажрибаси мана шу Қашқадарёдан, яна ҳам тўғрироғи Шахрисабздан бошланган. Оғир йиллар эди. Ўша пайтлари Шахрисабзда Январ Иноятов райкомнинг биринчи котиби, мен эса ижрокўминг муовини эдим. Қашқадарё саксончини йилларнинг ўрталаридан, бундайча айтганда, «ўтириб» қолганди. «Пахта иши» келтирган азоб-уқубатлар... Ҳамма безовта. Бу аҳволда нафақат уй-жой сотишга, «хайёе хайт» деб бошни олиб чиқиб кетишга ҳам тайёр эди, одамлар. Кўнгли тинч эмасди. Пахсадан тикланган ўнлаб қишлоқлар донишманднинг тандирхонаси мисоли тўқилиб қолган. Дехқончиликда унум йўқ. Одамларнинг қўли ишга бормасди...

— Адолат тарозуси бузилган эди! Бир кун аввал Қаршида суҳбатлашганим Январ ака Иноятовнинг ана шу сўзларини эсламан. — Биргина Шахрисабз туманидан 1058 одам терговга тортилган. Одамлар сарсон-саргардон. Худодан айланай, ўшандай оғир, халқнинг руҳи тушган бир пайтда вилоятга Ислому Каримов раҳбар бўлиб келди. Бош план асосида қури-лишлар ҳам, ўн йиллар мобайнида 4 сотиқ жойда тўқилиб қолган оилаларга уй қуриш учун томорқалар ажратилиш ҳам Қашқадарёдан бошланди. Вило-

ятда 23 минг гектар сугориладиган ер аҳолига томорқа учун бўлиб берилди. Аммо буларнинг ҳаммасидан аввал юқорида айтганимдек, бузилган, топталган адолатни тиклаш лозим эди. Ислому Каримов ишга ана шундан бошлагани нафақат қашқадарёликларда, аини пайтда республиканинг бошқа жойларида ҳам умид учкунларини уйғотди. Уй-жойларига эмас, шунингдек, кўкси ҳам тўқилиб қолган халқнинг қаддини тиклади. Бунга эса ҳар бир қашқадарёлик, ҳар бир шахрисабзлик мисол бўла олади. Адолатни тиклаш нафақат қамалган ёки қамалиб чиққанларни оқлаш, уларни аввалги иш ўринларига қўйиш билангина чекланиб қолмади. Аини пайтда ижтимоий адолат, айтилик, дехқон меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, дехқончиликка янгица муносабатларни жорий этиш, маъмуриятчилик йўли билан қўшилиб кетган қолхозлар, қишлоқларни ўша ерлик аҳолининг хоҳиш истаги бўйича жой-жойига қўйиш каби масалалар ҳам кун тартибига қалқиб чиқди.

— Мана шу сизлар турган Қўшқанот қишлоғидаги маҳалла бундан 21 йил олдин қурилган, — дейди Боқижон Эргашев. — Ҳаммаси бош план асосида, 50 оила учун пишиқ гиштдан қурилган иморатлар. Қишлоқ Гани Бо-боёров номли жамоа ҳўжалигига қарар, жамоага эса Наби Ҳасанов деган ажойиб инсон раислик қиларди. Фикри тиник, қўли гул, халқларвар одам эди. Ислому Абдуғаниевич бу ерга ҳар сафар келганларида, албатта, у киши билан учрашар, озгина вақт бўлса-да, суҳбатлашмасдан қайтмасди.

— Ўша пайтда ҳўжаликда вилоят котибининг иштирокида ўтган семинар ҳалиям эсимда, — дейди Январ ака Иноятов. — Аинан шу семинарда янги, замонавий уйлар қуриш, қишлоқларни бош режа асосида ободонлаштириш хусусида гап борган эди. Бу ишларни рўёбга чиқариш учун иқтисодий шароит ҳам яратилди. 2,5 йилда пахта еттиштириш 500 минг тоннага қўтарилди. Галла ҳосилдорлиги 40 центнерданни ташкил этди. Иқтисодиётни кўтаришда шахсий ёрдамчи ҳўжаликлар, ижара усулининг жорий этилгани қўл келди. Соғлиқни сақлаш, маориф тизимида ўзгаришлар юзи берди. Аиникса, вилоят саркоотиби одамларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, қишлоқларда бундай муассасаларни қуришга эътиборни қаратди. Икки ярим йил ичида 44 та тиббий муассаса ташкил этилиб, кенгайтирилди ёки янгидан қурилди. Вилоят диагностика маркази барпо қилиниб, республикада биринчи бўлиб хориждан компьютер томографи олиб келиб ўрнатилди.

ОҚСАРОЙ ПОЙИДА

Суҳбат билан бўлиб, Оқсаройга келиб қолганимизни ҳам сезмадик. Агар эътибор билан қарасангиз, Амир Те-мурнинг 660 йиллиги муносабати билан Шахрисабзда тикланган ҳайкали бомбоз гўё хозиргина Оқсаройдан чиқиб келаётгандек сифатда ўрнатилган. «Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг» деган битик ҳам аинан ана шу Оқсарой пештоқига муҳрланган эди, аслида», — деди ҳамроҳларимиздан бири. Бу сўзлар менга касбилик Раҳматжон Примовни эслатди.


ДУНЁНИ ГЎЗАМЛИК ВА МАЪНАВИЯТ ҚУТҚАРАДИ

МУҲАББАТГА ВА ОИЛАГА ҚЎЙИЛГАН ОБИДА

Азалдан бирон даврага кириб: «Қашқадарёга бориб келдим» десангиз, албатта, Тохир ва Зухра қабрини кўрдингизми? Қаранг-а, икки томондаги қабрдан унган гулларни кўринг-гу, ўртадан чиққан қадирликнинг кўринг...» дейишган. Ўзбек халқининг сеvimли эртақлари, дostonлари кўп. Бироқ улар орасида Тохир ва Зухра дostonи алоҳида қимматга эга. Аиникса, қашқадарёликлар учун. Балки бу — дoston қаҳрамонлари ҳам шу юртда, биз билан шундай ёнма-ён яшаган, ҳатто уларнинг қабрларига бор, деган тасаввурлар тўғрисида.

Зиёратгоҳ шундай йўл бўйида, Қоратикан қишлоғида жойлашган экан.

— Бир пайтлар бу ер нақ чақалақзорнинг ўзи эди, — дейди ҳамроҳимиз. — Баъзан ўйлаб қоламан: одамларимиз эътиқодли. Илох қўйган жойлари, аиникса, зиёрат-



гоҳларни мўътабар, дахлсиз деб билишди. У пайтларда сеvimшанлар хиббони ҳам, дoston воқеаларига қўйилган дарё, сувда сайр этаётган қизлар-у, сандиқ каби рамзалар йўқ эди. Тохир ва Зухра қабрлари деб тахмин қилинган зиёратгоҳ бир аҳволда бўлган. Агар кунлардан бир кун бу ерга вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари Ислому Каримов ташриф бурмаганда, аҳвол ўшандай қолаверармиди, деган савол мени кўп уйлатади. Биринчи раҳбар, албатта, зиёратгоҳ ҳақидаги ривоят ва афсоналарни аввал эшитган. У киши аҳволни кўрибди: — Бу жойни обод қилиш керак, — дейди қатъий қилиб. — Ахир, бу ер — соф сеvги, муҳаббат ва садоқат тисмоли сифатида гоят қимматли-ку! Бу жойни, албатта, гўзал бир масканга айлантириш зарур. Ешларимизга ибрат бўлади. Агар Ёвропада мана шундай буюк сеvги ёдгорлиги бўлса, уни кўзларига тўтиб қилиб, бутун дунёдан сайёҳлар келиб зиёрат қиладиган маконга айлантириб кўяр эдилар. Кейин меъморий мажмуа қурилиш учун танлов ўтказиш ҳақида кўрсатма беради.

— Вилоятда «Дехқонлар кенгаши» тузилгани кечагидек ёдимда, — дегани Раҳматжон. — Ўша пайтда ёш бўлишимга қарамай ўша кенгашга мен ҳам аъзо бўлганимдан фaрҳланаман. Одамлар билан ишлаш, ҳар қандай масалага катта миқёсларда ёндашиш зарурлиги ҳақидаги Президентимизнинг ўғитлари, аиникса, биз ёшларнинг қалбида бир битик мисоли ўрнашиб қолди. «Дехқонлар кенгаши»нинг биринчи мажлисида асосан, учта савол қўйилди: қишлоқ ҳўжалигининг ўша пайтдаги аҳвали, қандай қилса бу соҳани кўтариш мумкинлиги ва бу борадаги тўсиқлар нималардан иборатлигини ҳар биримиздан бирма-бир сўраб чиқди. Кейинчалик вилоятда ташкил этилган иқтисодий ўқувлар, чек, пудрат усуллари жорий этилиш каби дехқончиликдаги янгиликларнинг барчаси ана шу дехқонлар, кейинчалик эса пахтакорлар кенгашларида муҳофиза этилиб, жорий этиш юзасидан бир қарорга келинарди. Пахтачиликда эришган ютуқларим учун «Газ-24» авто-

биланинг қалитини менга шахсан Ислому ақанинг ўзи топширган... Албатта, гап меннинг муқофотга машина олганимда эмас, ўрни келиб қолгани учунгина айтдим. Мени ўша йиллардаги вилоятни бошқариш принципларининг урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиздан келиб чиқгани, бир сўз билан айтганда, халқ кўнглига яқинлиги доим ҳайратга солиб келади. Инсон зоти шундай: яхшиликка дуч келса ҳам, ёмонликка тўқнаш бўлса ҳам «нега?» деган саволни қўяди. Балки, ҳар ким ҳам шундай қилмас. Аммо ўзганини таниган, теварак атрофини тушуномқчи бўлган одам ўзига ўзи доим савол бериб яшайди.

Раҳматжоннинг қуёшда қорайиб, ажин тушган юзларига қарайман. Кечагина «совет колхозчи» исканжасидан қутулиб фермерликни бошлаган юзи қорамғиз, аммо қалби оппоқ бу одамнинг мушоадалари кишини ўйга толдиради. У айтгандай ўз-ўзинга савол бера бошлайсан, одам. Айтмайди бугун вилоят «Дехқонлар кенгаши»га раислик қилиб келаётган олим Шодийёр Ҳўжаназаров галганинг янги навларини яратиш борасида тинимсиз изланишлар олиб бораётганининг боиси нимада? Еки «The West star» наслилик ҳўжалигининг раҳбари ва унга ўхшаган юзлаб фермерлар, хусусий тадбиркорларнинг фидокорона меҳнатлари ким учун? Албатта, ўзлари, қолаверса, халқ учун. «Тома-тома кўл бўлур», дейди кексалар. Бугунги Қарши шаҳрининг жамоли, одамлар ҳаётидаги фаровонлик, улар руҳиятидаги маънавий кўтаринчилик ана шундай реза-реза томчилардан бунёд бўлган.

ФАРИШТАНИНГ ОМИНИ ЁХУД КУЧЛИ ИРОДА

Вилоятда бўлган пайтимизда келажак учун пойдевор бўлган ва бўлажак хайрли ишларни, муассаса ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини қўллаб-қўрғатди. Аиникса, уларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, ташаббускори, муаллифлари борлиги, бу иморатлар, «Аср қурилиши» номини олган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўли каби иншоотларни қуришда халқнинг бир тан, бир шон бўлиб меҳнат қилгани кишида шукроналик, мана шу азиз Ватан, халқдан фaрҳланиш туйғуларини уйғотди.

— Халқимизда «Фаришта омин деган» ибора бор, — дейди кейинги кун учрашганимизда Январ ака Иноятов. — 1988 йилда вилоят раҳбари томонидан тоғли ҳудудда



жойлашган Дехқонobod райониға тавсия этилдим. Бу пайтга келиб Ислому Абдуғаниевич ташаббуси билан қишлоқларни газлаштириш боғлаб юборилганди. Ана шу ишлардан улги олиб, йиғилишлардан бирида Дехқонobod тумани қишлоқларини ҳам газлаштириш масаласини ўртага ташладим. Ушанда мажлис аҳлидан биров: «Хали паровоз ҳам сўрасангиз» деб киноя қилгани хали-хали эсимда. Бу гапдан туюқиб кетганимни қўрган вилоят раҳбари «Январ ака, хафа бўлмаган газ ҳам, паровоз ҳам бўлади» деб лутф қилганди. Қачон Дехқонobodда қурилган темир йўл ҳақида сўз кетса, ўша воқеа эсимга тушади.

Албатта, фаришталар ҳар доим ҳозир. Бунга шакшубха йўқ. Мустанкилик тўғриси Дехқонobodда темир йўл ҳам борди. Аммо бундай катта, шунингдек, техник жиҳатдан мураккаб қурилишларни бошлаш ва ниҳоятсига етказиш учун маблагдан ташқари мамлакат раҳбариятига хос кучли ирода ҳам керак эди.

Ислому Абдуғаниевич ўзидаги ана шу иродани кўрсата билди, — дейди сўзини давом эттириб Январ ака Иноятов. — Темир йўл қурилиши теварак-атрофдаги қишлоқларнинг ҳам кўркини, ҳам моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. У орқали ҳудудга индустриал ишлаб чиқариш, замонавий технологиялар кириб келмоқда. Дехқонobodда йилга 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ниҳоятсига етказилмоқда. Бугина эмас, темир йўл бўйлаб қурилган ва қурилажак ўнлаб корхоналар, инфратузилма объектлари маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Январ ақанинг юқоридаги фикрларини Қашқадарёдаги «Шўртангазим» мажмуаси, Таллимаржон ИЭС, Қўқдумалоқ ва Шўртан компрессор станциялари ва ўнлаб

ларимиз, ўқиганларимиз, умуман вилоятдан олган таассуротларимиз ҳақида фикр алмашдик. Ундан Қашқадарёнинг мустанкилик арафасидаги ва ундан кейинги ривожланиш босқичлари хусусида сўрадик.

— Ҳурматли Президентимиз бошқарув тизимини раҳбарнинг хоҳиш-иродасига боғлаб қўймасдан ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳолис ва самарали ишлайдиган даражага етказиш ҳақида кўп бора таъкидлайди, — дея сўз бошлади Нуриддин ака Зайниев. — Мен илгарилари бу ҳақда кўп ўйлардим: нега аинан бошқарув тизими? У хоҳ вилоят бўладими, тумани, завод ёки фабриками, нима учун шу тизим бешиқаст, соатдай аниқ ишлаши керак? Кейинчалик, раҳбарлик лавозимларида ишлаб билдимки, ҳар қандай ҳудуд ёҳуд корхонанинг юксалиши ёки барбод бўлиши, одамларнинг бугуни ва эртаси асосан ана шу тизимнинг қандай ишлашига ва у қандай ташкил этилишига боғлиқ экан.

Агар бошқарув тизими ипидан игнасиғача ишлаб чиқилмас экан, ҳамма нарса чок-чокидан сўқилиб кетаверади. Аиникса, иқтисод, Шу боис бошқарув тизими шундай ташкил этилиши кераки, бир раҳбар кетиб иккинчи си келганда ҳам ҳеч қандай узилиш, шикастланмиш бўлмаслиги зарур. Бу бутун бир фалсафа. Мактаб. Таъбир жоиз бўлса, Ислому Каримовнинг Қашқадарёда яратган мактаби, Сиз суҳбатлашган одамларнинг ақарияти ана шу мактабнинг ўқувчиларидир. Сиз қўрган иншоотлар, завод ва темир йўллар, маҳмуалар, ёдгорликлар, тиббий ва ўқув муассасаларининг ҳаммаси ана шу мактабдан олинган сабоқларнинг меваси. Вилоят миқёсида сингдирилган тажрибанинг яна бир моҳияти бу — бошқарувдаги у йўналиш — сиёсат, иқтисод ва маънавиятнинг бири-биридан орта қолмаслиги, ақинча, дастлабки иккитасининг маънавиятга таянишида. Зотан, 90-йилларнинг бошларида Президентимиз ижодкорлар билан бўлган бир учрашувда дунёни гўзаллик қутқаради деб айтилган гапга мен дунёни гўзаллик ва маънавият қутқаради, деб қўшимча қилган бўлардим, деган эдилар. Ана шу мухтасар хулосадан келиб чиқадиган бўлсақ, ривожланиш босқичлари ҳам, эришилаётган муваффақиятлар ҳам, одамларнинг қувончу ташвишлари, бир сўз билан айтганда, бутун бир ҳаёт ана шу Уч йўналишининг, аиникса, маънавиятнинг даражаси билан боғлиқ эканини кўраимиз.

Агар ёдингизда бўлса, Президентимиз Ислому Каримов ўзининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» деб номланган китобида энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат экани ҳақида, ер юзюда қанча инсон, қанча тақдир бўлса ҳар бирининг ўз маънавий олами борлиги, маънавиятнинг тушуниши, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш кераклиги хусусида фикр юритганлар. Ана шу эзгу хулосалардан келиб чиқадиган бўлсақ, ривожланиш босқичлари ҳам, эришилаётган муваффақиятлар ҳам, одамларнинг қувончу ташвишлари, бир сўз билан айтганда, бутун бир ҳаёт ана шу Уч йўналишининг, аиникса, маънавиятнинг даражаси билан боғлиқ эканини кўраимиз. Шу бугунга қадар, мен келган хулоса шунки, ҳурматли Юртбошимиз яратган Қашқадарё мактаби чукр маънавий мезонлар асосига қурилган бўлиб, у бугунги кунда бутун республика миқёсида тажрибадан аъло даражада ўтди ва олға томон тараққий этмоқда.

Мақоламиз асли шу жойда тугади. Фақат давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган фикрларини яна бир бор такрорлашга жазм этдик. Ҳа, дунёни гўзаллик ва маънавият қутқаради. Зотан, сафар давомида қўрган, эшитганларимизнинг барчаси ана шу хулосага тааллуқли эди.

Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИЕВ, Шахрисабз — Қарши — Тошкент.

бошқа саноат корхоналарига ҳам татбиқ этиш мумкин. Қашқадарёда, хусусан, Қарши шаҳрида мустанкилик арафасида ва ундан кейин барпо этилган юзлаб корхоналар, турар жойлар, маданий-маиший иншоотлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими буларнинг барчаси эл учун, юрт учун қилинмоқда. Айтилик, Қаршидаги «Оналар ва болалар» спорт мажмуаси. Бу ерда хотин-қизлар ва болалик аёлларнинг спорт билан шуғулланиш ўз саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Футбол, баскетбол, каратэ, гимнастика ва бошқа кўплаб спорт турлари билан шуғулланиш мумкин. Машгулотга келган болалик аёл кўлидаги ёки етовидида фарзандини мажмуа ичидаги аёллар хонасига топширади-да, ўзи қизиққан спорт тури билан бемалол шуғулланаверади. Болалар эса тарбиячилар назоратида бўлади. Ана шундай шарт-шароитлар тўғрисида вилоятда аёллар футбол бўлимига Ўзбекистон чемпиолигини қўлга киритган «Севинч» жамоаси, Олия Аҳмедова, Камола Аҳмедова, Мафсуза Туропова каби спортчилар сафи тобора кенгаймоқда. Қарши спортининг жаҳон миқёсидаги нуфузи ошмоқда.

Нафақат спортда, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам вилоятда аёлларнинг мавқеи банд. Вилоятнинг бугунги юксалишларида уларнинг хиссалари ҳам қатъ. Ёзувчи Шарофат Ашурованинг дастлабки ҳўкия ва очерклари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида дунё юзини қўрган. Шарофатхон бугунга келиб ўзбекининг катта ёзувчисига айланди. Ўнлаб китобларнинг муаллифи. Унинг кейинги йилларда чоп этилган «Насаф тажассу-ми», «Яхшилар тажалиси» каби бадиий-публицистик китоблари қалбларга фикр уруғини экади. Қашқадарё ва унинг беназир одамлари, уларнинг ўй-кечинмалари, баъзан гўлб, баъзан мағлуб, гоҳи хушнуд, гоҳи маҳзун дамлари ҳақидаги ҳикояларини ўқиб киши ўйга толади. Вилоятда бўлган кунларимиз эса Қарши шаҳрида аёллар футбол бўлимига бунча халқаро турнир бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг Эрон Ислому Республикасининг «Shensa Saver» аёллар футбол жамоаси бош мураббийи Газоол Шарифийнинг вилоятдаги «Дарё» газетасига берган интервьюсини ўқиб қувондик. — «Жамоамиз Иордания ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро турнирларда совринли ўринларни қўлга киритган, — дейди хорижлик спортчи аёл — Қаршига келган илк кунимдан буён юртингиз одамлари, юртингиздаги ободлик, спорт соҳасида яратилган шарт-шароитларни дунёдаги кўплаб давлатлардаги аҳвол билан қўйлашман. Ер билан осмонча фарқни кўраман. Ҳавасим, хайратим ортади. Шу ҳўсбодан турнир юқори савияда ташкил этилди. Гарчи голийбликни қўлга киритмаган бўлсак-да, бизни Қаршига таклиф этишганидан, шундай ажойиб шаҳар билан танишганимиздан бошимиз осмонга етди».

Бундай таърифларни ўқиган ёки тинглаганда аёлга эҳтиром кўрсатган, унинг мавқеини кўтарган юрт асло завол топмаслигига имон келтирасан, одам. Зотан аёл — ҳаёт деган улкан дарахтнинг ўқ илдиэидир.

Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИЕВ, Шахрисабз — Қарши — Тошкент.

ТЎРТИНЧИ ХОКИМИЯТ

9 ОКТАБРЬ — БУТУНЖАХОН ПОЧТА КУНИ

Савобли касб эгалари байрами

1874 йил 9 октябрда Швейцарияда 22 мамлакат вакиллари Берн шартномасини имзолаган. Унга кўра Бош почта иттифоқи асос солинган. 1878 йилда иттифоқ ўз номини ўзгартириб, Бутунжаҳон почта иттифоқи дея атала бошланган. Бутунжаҳон почта иттифоқининг 1969 йил Токиода бўлиб ўтган XVI конгрессида 9 октябрни Бутунжаҳон почта иттифоқи кунини деб нишонлашга қарор қилинган ва 1970 йилда халқаро байрам сифатида биринчи марта нишонланган. 1984 йил Гамбург шаҳрида ўтказилган конгрессда бу ном "Бутунжаҳон почта кунини" деб ўзгартирилди.

Бугунги кунга келиб Бутунжаҳон почта иттифоқи 189 мамлакат аъзо ҳисобланади. Бу касб байрами дунё миқёсида нишонланади, "Ўзбекистон почтаси" ҳам унга аъзо ҳисобланади.

Бутунжаҳон почта иттифоқининг маълумотларига кўра, халқаро почта ўз мижозларига 6800 тилда хизмат кўрсатади. Замонавий почта кўпгина ривожланган давлатларда почта-банк хизмати, каталог-савдо ва тўғридан-тўғри почтани тарқатиш тизимида ишламоқда. Информацион технологияларни фаол ривожлантирмоқда.

Бутунжаҳон почта кунини муносабати билан турли тадбирлар ўтказилиб келинади. Масалан, 2005 йилда Камерунда почта хизматчилари ва САМТЕЛ телекоммуникация компанияси ходимлари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилган. Доимий равишда филателистик кўргазмалар ташкил этилади. Шу кун муносабати билан почта маркалари чиқарилади.

Ҳозирги кунда Бутунжаҳон почта иттифоқи ўз олдига кўйидагиларни мақсад қилиб қўйган: хизмат кўрсатиш савиясини ошириш ва турларни кўпайтириш, почта алоқаларини кенгайтириш ва мукамаллаштириш, халқаро почта тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш, миллий почта хизмати ва бутун дунё почта тизимида туғилаётган эксплуатация ва техник характердаги муаммоларни ҳал қилиш ва ҳоказо.

Лобар РАХИМЖОНОВА тайёрлади.

Жаҳон басту қушоди — илм бирла, Надур дилнинг муроиди — илм бирла,

деган эди атоқли ўзбек шоири Фурқат. Бундан ярим асрдан зиёд, тўғрироғи, эллик беш йил илгари илм олиш учун республикамизнинг энг нуфузли олий ўқув даргоҳларидан бири — Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика бўлимига ҳам бўлган ёшлар орасида мен ҳам бор эдим. Гуруҳимиз ўттизга яқин талабадан иборат бўлиб, улар Тошкент шаҳридан ва турли вилоятлардан келган ўғил-қизлар эди. Эсимда бор — мен дастлабки кунларданқош тошкентлик адашим Мухтор Аҳмедов ҳамда қардош Тожикистоннинг Конибодом шаҳридан келган Ашурали Аҳмедовлар билан дўст бўлиб қолган эдим. Гуруҳимизда, шунингдек, Тошкентдан Музаффар Афзалов, Соат Мусаев, Исоқ Ғозиев, Эркин Азимов, Акбар Алиев, Бўстонлик туманининг Хумсон қишлоғи Тилабжон Маҳмудов, Жанубий Қозғистоннинг Сайрам шаҳридан Саидмурод Тиллаҳўжаев, хоразмлик Фрунзе Абдуллаев, самарқандлик Ҳожиқурбон Ҳамидов, андижонлик Тўлан Қамчиёв ва бошқалар бор эди. Дилбар Маҳмудова, Роза Мухаммедова, София Мусаева, бухоролик Гулчехра Жўраева ва бошқа қизлар ҳам биз билан бирга ўқишарди. У пайтда университет пойтахти миздаги ҳозирги Амир Темури номидаги хабарчи ёнида жойлашган бўлиб, биз машгулотлардан кейин ям-яшил масканда дарс тайёрлар, ижодий суҳбатлар қураб эдик.

ЯРИМ АСР ДАРСИ

Бизга университетнинг энг билимли муаллимлари дарс беришарди. Фалсафа фани бўйича ўқитувчимиз Абдулла ака Аюповнинг чуқур мазмунли маърузалари кўпчилигимизнинг дунёқарашимиз шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган. Адабиётшунослиқдан атоқли олим-

университетда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб қайтган ёш ўқитувчилар — Тохир Пидаяев ва Воҳид Абдуллаевлар ҳам ўзларининг илк дарсларини беришган ҳамда дилдан яқин маслаҳатчиларимиз бўлиб қолишган эди. Шу билан бирликда М.Саксонова, Н.Малахов,

профессор, қатор илмий ва бадиий китоблар муаллифи бўлди. Унинг турмуш ўртоғи (улар университетда бир-бири билан танишиб оила қуриши ва биргаликда ижод қилиб келишмоқда) Дилбар Маҳмудова истеъдодли журналист сифатида республика марказий газеталари муҳарририятида ишлади, Республикада хизмат кўрсатган журналист унвони билан мукофотланди. Бу юксак унвонга Тошкент вилояти газеталари тахририятларида кўп йиллар ишлаган Соат Мусаев, бугун умр Ўзбекистон республикаси радиосида хизмат қилган Саидмурод Тиллаҳўжаевлар ҳам сазовор бўлди. Мухтор Аҳмедов узоқ йиллар журналист ва таржимон бўлиб ишлади, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига муяссар бўлди. Гулчехра Жўраева таниқли шоира бўлиб етишти, қатор шеърли тўпламлар яратди. Ашурали Аҳмедов марказий газеталарда ишлаш билан бирга ижод билан ҳам шуғулланди. Курсимиз оқсоқоли бўлган Расул Ҳошимов юриди фанлар номзоди бўлиб, миллия зобити сифатида фаолият олиб борди. Музаффар Афзалов ва Эркин Азимовлар Тошкент телевидениесининг илк қалдирғоч журналистлари сифатида элга танилди. Исоқ Ғозиев республика радиосида, Тўлан Қамчиёв Андижон вилоятининг нашрларида, Ҳожиқурбон Ҳамидов Самарқанд вилояти матбуотида самарали ижод қилди. Бошқа курсдошларимиз ҳам республика ва вилоят нашрларида, радио ва телевидениеларида ишлашди.



лар — Натан Малаев, Саида Нарзуллаева, Лазиз Қайумов, Озод Шарафиддиновларнинг берган сабоқлари бизга умумий адабий мерос ва ҳозирги замон ижодий жараёни билан чуқур танишиб, ижодий малака ҳосил қилишимизга кўмак берган. Тилшунослиқдан эса атоқли олимлар Шавкат Раҳматуллаев, Сиддиқ Фузаилов ва бошқалар дарс берганлар. Асосий мутахассислигимиз — журналистикани эса бизга кафедрамиз мудири Турсун Собиров, факультет декани Анвар Шомаксудов, амалиётчи ўқитувчи Расул Мухаммадиев, матбуот тарихини Тўғон Эрнараров ва бошқалар ўргатганди. Университетнинг журналистика бўлимини биринчилардан бўлиб тамомлаган ва Москва давлат

Я.Симкин ва бошқалардан рус адабиёти ва журналистикаси бўйича яқши сабоқлар олган эдик. Биз фақат назарий билимлар олиш билан чегараланиб қолмасдан республика газети ва журналлари, радио ва телевидениеда амалиётда ҳам бўлардик, ўз ёзган хабарларимиз, мақолаларимиз билан иштирок этардик.

1959 йилда журналистика бўлимининг йигирма беш талабаси университетни тамомладик ва республикамизнинг турли жойларига, газети ва журналлар муҳарририятларига, радио ва телевидениега ишга бордик. Менинг курсдошларим ҳам ўз соҳалари — журналистика ва илм соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Тилабжон Маҳмудов фалсафа фанлари доктори,

ДИЙДОР

Музаффар Афзалов, Эркин Азимов, Мухтор Аҳмедов, Ашурали Аҳмедов, Исоқ Ғозиев, Расул Ҳошимов, Фрунзе Абдуллаев, Тўлан Қамчиёв ва Ҳожиқурбон Ҳамидов қабилар энди орамизда йўқ. Аммо биз уларнинг хотираларини дилимизда доим сақлаймиз.

Яқинда биз — Ўрта Осиё давлат университетини роппа-роса ярим аср илгари тамомлаган бир гуруҳ журналистлар қардон даргоҳимиз — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида тўпландик. Урашувга йигирма беш кишидан олтитамиз — Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудова, Соат Мусаев, София Мусаева, Саидмурод Тиллаҳўжаев ва каммина қатнашдик, холос. Аммо озчилик бўлишимизга қарамасдан курсдошлар яна дийдор кўришиб, ўзаро мулоқотда бўлганимиздан ниҳоятда хурсанд эдик. "Уч авлод учрашуви" деб ном олган бу анжуманга азиз устозларимиз — Абдулла Аюпов, Шавкат Раҳматуллаев, Анвар Шомаксудовларнинг ҳам иштирок этганиликлар нур устига аъло нур бўлди. Учинчи авлод сифатида эса факультетимизга бу йил қабул қилинган биринчи курс талабалари ҳам таклиф этилди. Сўзга чиққан устозларимиз бизни, биз эса азиз устозларимизни табриқладик, талаба ёшларга тажрибаларимизни сўзлаб бердик. Тадбирни ЎзМУнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қ.Қуронбоев очди, уни журналистика факультети декани Қ.Эрназаров олиб борди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари З.Саидов урашув қатнашчиларини табриқлаб, уюшманинг Фахрий ёриқларини топширди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети профессори, филология фанлари доктори.

"ГАЗЕТАНГИЗ ҚАЙСИ КУНИ ЧИҚАДИ?"

(Бошланғич 1-бета.)

Аммо аксарият муаллифлар жўнатган мақолаларини интернет-почтамиздан олишга айна қўйаламиз. Сабаби мақолаларда сўзларнинг кўп ҳарфлари тушиб қолган бўлади, бу кишида жумлалар уйдига чала ёзилгандек таассурот уйдига оқибатда сўз ва фикрнинг маъноси ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Босиб жўнатилган мақолаларнинг шрифти тахририятимизнинг компьютерларида шрифтига мос келмайдиган бўлади.

Тахририят почтасига ҳар кунни кўплаб хатлар келади. Улардан имкони борича фойдаланишга ҳаракат қиламиз. "Пичоққа илинмайдиган"ларнинг муаллифларига эса сабабларни кўрсатилган ҳолда жавоб йўланамиз. Аммо масаланинг бошқа бир томони ҳам борки, компьютерда терилмаган хатлар (мақолаларни) ўқишда, уларни тушунишда, муаллифларнинг маъноини билишда муаммолар пайдо бўлмоқда. Бу фикрга "Хар ким имкониётдан келиб чиқиб хат юборадимиз" деб айримлар норози бўлиши мумкин. Лекин биз компьютер технологияси ривожланган даврда яшаймиш. Уларнинг хизматида кенг фойдаланишимиз, фаолиятимиз жараёнида ишлатишимиз керак. Бугун республикамизда компьютер кириб бормаган жой ҳам. Шундай экан, нима учун биз ҳамон эски андозда ишлатишимиз керак?"

Бу ўнда муаллифнинг ҳам, тахририятнинг ҳам айблаб бўлмайди. Негаки, бугун ҳар кун бўлмаса-да, кунора компьютерлар учун янги шрифт дастури яратилмоқда. Уни ҳамма муаллифлар ёки тахририятлар сотиб олиб, компьютерларида ўрнатилиши керак эса иложи йўқ. Муаллиф тахририятда мавжуд бўлмаган шрифтида материал ёзиб келиши, унинг электрон нусхасини олиб қолишда, унда фойдаланишда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Аслида бу муаммага ечим топилганлигини кўришимиз керак. Фақатгина тахририят ходимлари (асосан муҳаррирлар) муаллифлар билан алоқаларини ўрнатиб тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишса, шунинг ўзи кифоя. Бу борада эса кўпгина хорижий мамлакатлар матбуотидан андоза олак арайди. Ҳамкасбарларимизнинг тажрибасини ўрганиб, ўзимизга мослаштириб амалга ошириш имконига эгамиш. Шундай қилсакки юқоридаги муаммоларнинг ечимини топилганлигини кўришимиз керак. "Нима учун материалларимиз ёшлон қилмаяпсизлар?" деб эътироз билдиришимиз айтиш.

Шундай қилиб, яна "ИДНАКАР" журналининг кейинги талабаларига эътибор қаратасак. Тахририятга юборилган материаллар куйидаги талабалар асосида компьютерда терилиши керак. Яъни кегль — 12 пунктдан, қаторлараро интервал — битта, саҳифа ҳажми — А4, сарлавҳа қозғонинг марказ (ўртаси)дан, хат боши 1,27 см. қолдирилиши шарт. Матн арақининг бир томонидан боқилиши, Times New Roman шрифтида терилиши лозим. Агар матни

теришда кўшимча шрифтидан фойдаланилса, тахририятга электрон версияси билан бирга ана шу шрифти билан ҳам келиши шарт. Сарлавҳаларни бош ҳарфларида терилмаси тавсия этилади. Зарурат бўлмаса мақолада қисқарتما сўзлардан фойдаланмаслик керак".

Бундан кўрагина, "ИДНАКАР" журнали ўз муаллифларини анча тахририятга ҳам қоғозда, ҳам электрон нусхада олиб келишини ё юборилиши зарур. Электрон кўринишдаги мақола RTF (Rich text format) форматида сақланган бўлиши лозим. Зарурат бўлса, материални Zip ҳажмида архивлаштиришга рухсат этилади. Шунингдек, муаллиф тахририят талабаларига биноан материалларини расмийлаштириш ва у билан алоқа болганда электрон манзил ва телефон рақамларининг илова қилиниши шарт".

Шунингдек, газетачиликда шундай хатлар учрайдики, айрим юборилган хатларда муаллифнинг қандайдир ёзилган маънолар пайдо бўлиши мумкин. Бунга оидлик киритиш учун эса тахририят ходимининг жони ҳалак. Кўнгирак қилай деса, муаллифнинг на манзили, на телефон рақами бор. Сир эмас, иш давомида бундай хатлар тез-тез учрайди. Айтилик, олдинлари тахририятга юборилган мақола ва хатлар кўлбўма шаклида бўларди. Уларни саҳифага қўйиш учун тайёрлашда жуда кўп вақт сарфланарди. Оқибатда мақолаларнинг кўпчилиги эскирарди ёки долзарблигини йўқотарди. Бу ҳолат эса нашрнинг умумий савиясига ҳам таъсир қўрсатарди. Хўш, бугун-чи? Афсуски, кўпчилигимиз компьютердан фойдаланмасак-да, ҳамон мақолаларнинг кўлбўма шаклини тахририятларга юбораямиш.

Баъзан тахририятга факс ёки почта орқали келган мақолаларни ўқиш, тушуниш анча мушкул бўлади. Аксарият ҳолларда уларда келтирилган рақамлар, саналар, иктибослар сағалар тўғрида. Мана шундай пайтларда муаллиф билан боғланиб, тушунмовчиликларни бартараф этиш учун боя айтганимиздек, муаллиф билан боғланишнинг иложи йўқ. Натижада муҳаррир мақоладаги ҳақиқатли жойларни қисқартириб ташлаш ёки ўша материалдан мулкка воз кечилди. Шундан кейин муаллифлар тахририятга кўнгирак қилиб, "Нега мақоламни қисқартирдилар?" "Нима учун материалларимиз ёшлон қилмаяпсизлар?" деб эътироз билдиришимиз айтиш.

Шундай қилиб, яна "ИДНАКАР" журналининг кейинги талабаларига эътибор қаратасак. Тахририятга юборилган материаллар куйидаги талабалар асосида компьютерда терилиши керак. Яъни кегль — 12 пунктдан, қаторлараро интервал — битта, саҳифа ҳажми — А4, сарлавҳа қозғонинг марказ (ўртаси)дан, хат боши 1,27 см. қолдирилиши шарт. Матн арақининг бир томонидан боқилиши, Times New Roman шрифтида терилиши лозим. Агар матни

теришда кўшимча шрифтидан фойдаланилса, тахририятга электрон версияси билан бирга ана шу шрифти билан ҳам келиши шарт. Сарлавҳаларни бош ҳарфларида терилмаси тавсия этилади. Зарурат бўлмаса мақолада қисқарتما сўзлардан фойдаланмаслик керак".

Бундан кўрагина, "ИДНАКАР" журнали ўз муаллифларини анча тахририятга ҳам қоғозда, ҳам электрон нусхада олиб келишини ё юборилиши зарур. Электрон кўринишдаги мақола RTF (Rich text format) форматида сақланган бўлиши лозим. Зарурат бўлса, материални Zip ҳажмида архивлаштиришга рухсат этилади. Шунингдек, муаллиф тахририят талабаларига биноан материалларини расмийлаштириш ва у билан алоқа болганда электрон манзил ва телефон рақамларининг илова қилиниши шарт".

Шунингдек, газетачиликда шундай хатлар учрайдики, айрим юборилган хатларда муаллифнинг қандайдир ёзилган маънолар пайдо бўлиши мумкин. Бунга оидлик киритиш учун эса тахририят ходимининг жони ҳалак. Кўнгирак қилай деса, муаллифнинг на манзили, на телефон рақами бор. Сир эмас, иш давомида бундай хатлар тез-тез учрайди. Айтилик, олдинлари тахририятга юборилган мақола ва хатлар кўлбўма шаклида бўларди. Уларни саҳифага қўйиш учун тайёрлашда жуда кўп вақт сарфланарди. Оқибатда мақолаларнинг кўпчилиги эскирарди ёки долзарблигини йўқотарди. Бу ҳолат эса нашрнинг умумий савиясига ҳам таъсир қўрсатарди. Хўш, бугун-чи? Афсуски, кўпчилигимиз компьютердан фойдаланмасак-да, ҳамон мақолаларнинг кўлбўма шаклини тахририятларга юбораямиш.

Баъзан тахририятга факс ёки почта орқали келган мақолаларни ўқиш, тушуниш анча мушкул бўлади. Аксарият ҳолларда уларда келтирилган рақамлар, саналар, иктибослар сағалар тўғрида. Мана шундай пайтларда муаллиф билан боғланиб, тушунмовчиликларни бартараф этиш учун боя айтганимиздек, муаллиф билан боғланишнинг иложи йўқ. Натижада муҳаррир мақоладаги ҳақиқатли жойларни қисқартириб ташлаш ёки ўша материалдан мулкка воз кечилди. Шундан кейин муаллифлар тахририятга кўнгирак қилиб, "Нега мақоламни қисқартирдилар?" "Нима учун материалларимиз ёшлон қилмаяпсизлар?" деб эътироз билдиришимиз айтиш.

Шундай қилиб, яна "ИДНАКАР" журналининг кейинги талабаларига эътибор қаратасак. Тахририятга юборилган материаллар куйидаги талабалар асосида компьютерда терилиши керак. Яъни кегль — 12 пунктдан, қаторлараро интервал — битта, саҳифа ҳажми — А4, сарлавҳа қозғонинг марказ (ўртаси)дан, хат боши 1,27 см. қолдирилиши шарт. Матн арақининг бир томонидан боқилиши, Times New Roman шрифтида терилиши лозим. Агар матни

МАЪМУРЛАР

Бир мамлакатда иқомат этмақда бўлгон одами умумга оид ишлар учун маъмурлар таъин қилмақни муносиб кўрмишлар. Буларнинг таъин қилмоқдан мақсудлари мамлакат ҳолига ва умум ишига назар солмоқ, қурулларни ақом қилмоқ эди. Лекин бу ишлар учун таъин қилинмиш зот ўз вазибаларини хотирларидин чиқаруб, хотирга келмашиш фаноликлар қилдилар. Иш бошига чиққанларидан сўнгра бойлар тарафига майл қилуб, бойлар ила бир бўлуб қувват ҳосил қилдилар. Бойларнинг ёрдами ила бир миллатни иккинчи миллатга олат қилуб бутун мамлакатга ва одаларга мусаллат бўлмишлар. Фуқаронинг ерига, мулкига ва ўзларига ҳўжа бўлиб, ўз бойдалари учун ҳам, бойлар бойдаси учун ҳам истеъмол қилмоқдан ва фуқарога ҳайвонга қиланадургон муомалани қилмоқдан тортилмадилар. Аввалан, хур бўлиши ва хур халқ этилиши фуқарони(нг) бу вазиларда асоратга турушдилар. Ер, мол ва мулкларни маъмурларга ва бойларга кетуб битди. Буларнинг ҳаддан ошимши таъмалари фуқарони ҳолати факр ва заруратга тушурумга сабаб бўлди.

Фуқаронинг хизмати учун таъин қилинмиш бўлгонларни хотирларига келмоқ, шўйла турсун, балки бильакс, фуқаронинг ўзлари учун халқ қилинмиш жонивор ҳисоб қилуб, кибр, гурур ила бутун дунёни тўлдурдилар. Жамъи ахлоқи фосидани булар нашр этди.

Дунёни фасодига булар сабаб ва боис бўлдилар. Хайр, буларнинг "маданиятига хизмат қилуб" баъзи ишларни ихтиро қилишлари инкор бўлинмас. Масалан, бир миллатни иккинчи миллатга калтак қилуб қон тўқмоқ, хурларни асир этмоқ буларнинг ихтиро қилгон ҳунарларидур. Зулм қилмоқ, фуқаронинг ҳўққини таламоқ, илмига сад тортомоқ, мухталиф миллатлар орасига адоват солмоқ каби "асоби маданият" бўлгон ҳунарларга ҳам маҳорат касб этидилар.

Кибр, ҳасад, адоват, бузғуб каби шаръан ва ақлан мазлум бўлгон ахлоқи фосидаларнинг мухталиф миллат орасига тарқалмоғига булар, яъни маъмурлар сабаб бўлмишлар дейлиса тўғридур. Йўқса, миллатларга бу каби шийларнинг тахликалик бир мариз эрканлигини билурлар ва сулҳни севарлар эди ҳам севмақдирлар. Сулҳ ва дурустлик узра яшамоқда онча маъмурлар йўл бермаюрлар. Жамиятдан баъзи бир зотлар маъмур маришаларга илож қилмоққа киришсалар ҳам, бу муқаддас ишга киришмоқлари ила баробар жамиятнинг кўзиндан голиб бўлурлар. Билмам, қаю ерга кетаюрлар. Йўқса, олами охираптаму?!...

Буларни қилгон ишларини мулоҳазага олинса, аларни виждонсизлик, инсониятсизлик ила ҳўққ қилмоққа, аларга буйроқрот (фоидаи шахсисаи учун умумини хароб этатургон зотлар) номини бермоққа мажбур этадур.

Буларга на каби исм берилса ҳам ва ҳақларинда на каби сўз сўйланса ҳам, мадҳдан бошқаси тўғридур. Умум иши учун маъмурларни фуқаро ўзи таъин қилмоқ лозим ҳам ҳақлари экан, бильакс, маъмурларни, яъни буйроқротлар таъин қилмоқдалур. Биноан алайҳа, иш бошинда бўлгонлар аҳамиятсиздурлар.

Булар ҳақиқатан хизматчи ҳаққинда бўлсалар ҳам, гоьтда кўп қувватга молик бўлиб, фуқароларни асир этканликларидин фуқаро буларни адолатларига муҳтоб бўлиб қолмишлар. Булардан шафқат ва марҳамат истаб аҳилликларини маъмурлар англаб кибр, гурурларини бир қат дахи ортурурлар.

Шафқат ва марҳамат ўрнига жабр ва ҳақорат ва адолат ўрнига зулм қилмоқ фуқарони бўйинни ҳўб яхши бўкилишини эътиқод қилиб хотирга келмишиш фожъ муомалалар қилдилар ҳам қилмоқдалурлар.

Агар бу маъмурларни фуқаро ўзлари таъин қилиб, низомага боғлўқ қилсалар эди, бу қадар фасодлар ва бу қадар жабрлар ила фуқарони инқироз даражасига келтурмас эдилар. Иш бошида аҳлиятлик одамлар бўлунур эди. Зулм ўрнига адолат қойим бўлур эди.

Маъмурларни фуқаро интиҳоб қилмоқ қондаси на замон ва на учун фасқ қилинди, албатта, фуқаро мунга рози эмасдур.

"Тараққий" газетаси, 1906 йил, 9 август, 16-сон

АВВАЛИ

ИЗОҲЛАР: Маъмурлар — амалдорлар, чиновниклар. Иқомат — яшовчи, турувчи. Ақом этмоқ — мукамаллаштирмоқ, камчилигини тузатмоқ. Фаноликлар — йўқликлар, бу ерда ёмонликлар, ёвузликлар маъносинда. Олат қилуб — қурол қилиб. Мусаллат — юқорида турганлар, яъни ҳўқуматдорларнинг куйидагиларни назорат қилиши, ҳўқронлик юртилиши. Хўжа бўлуб — ҳўжайин, эга бўлиб. Халқ этилишиш — яратилиши. Кетуб битди — ўтиб туғди. Ҳолати факр ва зарурат — камбағаллик ва муҳтоблик ҳолати. Шўйла турсун — у ёқда турсин маъносинда.

Изоҳлар: Маъмурлар — амалдорлар, чиновниклар. Иқомат — яшовчи, турувчи. Ақом этмоқ — мукамаллаштирмоқ, камчилигини тузатмоқ. Фаноликлар — йўқликлар, бу ерда ёмонликлар, ёвузликлар маъносинда. Олат қилуб — қурол қилиб. Мусаллат — юқорида турганлар, яъни ҳўқуматдорларнинг куйидагиларни назорат қилиши, ҳўқронлик юртилиши. Хўжа бўлуб — ҳўжайин, эга бўлиб. Халқ этилишиш — яратилиши. Кетуб битди — ўтиб туғди. Ҳолати факр ва зарурат — камбағаллик ва муҳтоблик ҳолати. Шўйла турсун — у ёқда турсин маъносинда.

Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



O'ZSANOATQURILISHBANK

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ республикамиздаги етакчи универсал молия муассасаларидан бири бўлиб, иқтисодийнинг асосий тармоқларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, хорижий сармоя жалб этиладиган йирик инвестицияли лойиҳаларни молиялаштиради. Бундан ташқари ўз мижозларига молиявий хизматлар ҳам кўрсатади.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”:

Намунали хизмат — мижозлар ишончини мустаҳкамлайди

Мазкур молия муассасасининг Хоразм вилоят минтақавий филиали ҳам ўз фаолиятини жаҳон андозлари даражасида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Бугунги келиб филиалимиз 3 мингдан кўпроқ юридик, 33 минг нафардан кўпроқ жисмоний шахслар билан ҳамкорликни йўлга қўйгани қувонарлидир. Мижозлар томонидан юзга келадиган ҳар қандай масала мутахассисларимиз томонидан тезда ҳал этилади. Шу боис, мижозларимизнинг банкимизга бўлган ишончи янада ортмоқда. Бу биз учун жуда муҳим.

Банкимизда мулкчилик шакли турлича бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатилади. Улардан энг устуворлари нефть ва газ саноати, қурилиш, машинасозлик, энергетика ҳамда кимё корхоналари, транспорт, шунингдек, йирик савдо ташкилотлари ҳисобланади. Кредитларни расмийлаштиришда ёки инвестицияларни жалб этиш учун бизнес-режани, шунингдек, ташқи савдо ҳужжатларини тайёрлашда, сармоявий фаолиятни ташкил этишда, касса хизматлари кўрсатилишида, энг яхши ахборотлардан фойдаланишда ҳодимларимиз томонидан сифатли ёрдам қўриқилган ҳам ютуқларимизнинг омилли бўлаёпти. Бундан ташқари, муассасамизнинг тегишли бўлимларида мижозларга шартномаларини расмийлаштиришда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатилади. Бу ҳам банк ва мижоз ҳамкорлигида яхши самарадорликка эришишга, муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга эришиш имкониятини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам банк сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис банкимиз ўзининг ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобига имтиёзли асосда мазкур соҳа корхоналарини кредитлаш билан тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни фаол амалга ошириб келаяпти. Масалан, жорий йилда “Хонқа парранда” МЧЖга 1 миллион 450 минг евро миқдорда кредит ажратилгани натижасида бу ерда 100 минг бош паррандани парвариш-лаш ва ҳар кун 70-80 минг дона тухум тайёрлаш имкони туғилди. Энг муҳими, ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 40 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Яна бир мисол. Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Питнак шаҳрида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона ҳам кредит ҳисобига ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда том ёпиш материаллари, рангли шифер, металл черепица, профнастил каби қурилишбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхонада 48 нафар питнаклик иш ишли бўлди.

Биз сифатли менежмент хизмати, энг янги технология ва инновацион ёндашувлардан фойдаланганганимиз мижозларимиз ишончини қозонишимизнинг асосий омилли бўлмоқда. Шунингдек, мижозлар базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратаёلمиз. Шу билан бирга, омонат-

чилар сони ҳам кўпайиб бораёпти. Хусусан, жорий йилнинг сентябрь ойи ҳолатига қўра, улар 20 миллиард сўмга яқин маблағларни омонатларга қўйишди.

Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда

ошириш мақсадида қўшимча шартномалар тузилиб, “Uni Stream”, “Анелик”, “Быстрая почта” тармоқлари орқали валюта ҳисобрақамини очмасдан халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш тизимининг янги турларини киритиш режалаштирилмоқда. Бу эса банкнинг турли географик минтақалар билан алоқа олиб бориш имконини вужудга келтиради.

Ҳозир халқаро пул ўтказмалари юзасидан бўладиган хизматларга талабнинг доимий ўсиши кузатиляпти. Юқорида номлари санаб ўтилган халқаро пул жўнатмалари тизими билан ҳамкорлик қилиш молия муассасамиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналади. Ушбу хизматдан нафақат вилоятимиз аҳолиси, балки қўшни Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Беруний, Эллиқалъа ва Амударё туманидан келадиган фуқаролар ҳам баҳраманд бўлишаётгани бизни мамнун этади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ муомалга чиқарган пластик карточкалар ҳам вилоятимизда оммалашмоқда. Жорий йил давомида филиалимиз томонидан 1326 дона пластик карточка муомалга чиқарилган бўлиб, бугунгача ҳаммаси бўлиб жами сони 22 минг 235 та бундай электрон “ҳамён”лар одамларни даста-даста нақд пулни кўтариб юриш ташвишидан ҳалос этади. Жорий йилнинг саккизи ойи ичида одамларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган 20 миллиард сўм маблағ пластик карточкаларга кириб қилинди. Савдо шохобчаларига ўрнатилган 105 та терминал орқали 2 миллиард сўмга яқин савдо ва пулли хизматлар амалга оширилди.

Яна бир хабар. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг барча филиалларида савдо-сервис шохобчаларида ўрнатилган VISA терминаллари орқали республикамизнинг бошқа тижорат банклари томонидан берилган электрон “ҳамён”лардан ДУЕТ тизими бўйича тўловлар қабул қилинади ва уларга хизмат кўрсатилади.

Пластик карточкаларга одамларнинг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида ҳисоблаб киритиш, улардан савдо тармоғида кенг фойдаланиш имконининг тарғиб этилуви реклама тадбирларини доимий олиб бориш ҳам кундалик фаолиятимиз режасига киритилган.

Минтақавий филиалимиз ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина жорий йилда 3 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари беришга эришди. Бу маблағ эвазига ўнлаб ёш оилалар юртимизда ишлаб чиқарилган уй-жой хизматлари ва маиший техникаларнинг соҳиб бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, филиалимиз жамоаси иқтисодийнинг муҳим соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ўз хиссасини қўшаётганидан, юртимиз равнақи-га хизмат қилаётганидан мамнун. Келгусида ҳам бундай хайрли ишларни давом эттиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Отабек АЛЛАБЕРГАНОВ,
“Ўзсаноатқурилишбанк”
ОАТБнинг Хоразм минтақавий филиали бошқарувчиси.

100 миллиард долларлик давво

“ЮКОС”нинг Америкадаги “Yukos International” шўба компанияси Россия ҳукуматидан 100 миллиард доллар талаб қилиб, Европа судига мурожаат қилди. Бу ҳақда РИА “Новости” хабар тарқатди. Манбада айтилишича, ушбу давво Страсбург суди тарихидаги энг катта давво ҳисобланади. “Yukos International” раҳбари Брюс Мизаморнинг билдиришича, “ЮКОС”нинг банкрот деб эълон қилиниши туфайли компаниянинг 55 минг нафар акциядорлари манфаатларига жиддий зиён етганини таъкидлади. Бундан ташқари, унинг фикрича, корпорациянинг собиқ раҳбари Михаил Ходорковский асосий равишда суд қилиниб, озоликдан маҳрум қилинган.

Страсбург суди ушбу даввони кўриб чиқиш учун қарор қабул қилди.

Россия кредит ажратмайди

Россия Белорусга 2 миллиард долларлик кредитдан 500 миллион долларини ажратмайди. Шунингдек, Украинага ҳам 5 миллиард долларлик кредит берилмайди. Бу ҳақда “Интерфакс” ахборот агентлиги Россия молия вазирлиги Алексей Кудрин баёнотида таяниб хабар тарқатди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг охирида Россия Белорусга умумий ҳақми 2 миллиард доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Айни пайтга қадар Белорус ушбу маблағнинг 1,5 миллиард долларини қабул қилиб олди. Россия

ушбу маблағнинг охириги 500 миллион долларини рублда беришни таклиф этаётти. Расмий Минск эса бундан норози. Украина эса жорий йил бошида кредит ҳисобига газ сотиб олиш учун Россияга мурожаат қилганди. Бироқ расмий Киев Халқаро валюта фондидан олаётган 17 миллиард доллар кредит ҳисобига Россиядан кредит олмайди деди.

Исломободда террорчилик хуружи

Исломободдаги БМТ Бунтжон озиқ-овқат дастури қароргоҳи жойлашган бино ёнида қучли портлаш рўй берди. Бу ҳақда “Франс Пресс” ахборот агентлиги Покистон полицияси берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Сўнги маълумотларга қараганда, теракт натижасида уч нафар хорижлик ҳалок бўлган, тўрт киши жароҳатланган.

Тахминларга қараганда, террорчи-камикадзе бино ёнига келиб портловчи ускунани ҳаракатга келтирган бўлиши мумкин. Ҳозирча Покистон ушбу террорчилик хуружига расман муносабат билдирмади.

Сўнги маълумотларга қараганда, БМТ Покистондаги барча ваколатхоналарини вақтинча ёпиб қўйди.

Вегетарианлар мурожаати

Вегетарианлар уюшмаси маълумотига қараганда, ҳар бир немис бутун умри давомида 1094 та жониворни; 4 сигир ёки бузоқ, 4 қўй, 12 та ўрдак, 37 та гоз, 46 та қурқа, 46 та чўчка ва 945 та товуқ истеъмол қилар

ДАРАКЛАР

қилди. Эндиликда жорий йилнинг 29 ноябрь кунини мамлакатда наватдан ташқари президент сайлови ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 28 июнь кунини Гондурасда амалга оширилган ҳарбий тўнтарил туфайли мамлакатнинг амалдаги президенти Мануэль Селайя ҳукумати ағдарилган эди.

Қароқчилар кемани қўйиб юборишди

Сомали қароқчилари Туркиянинг “Горизон-1” кеманини уй оғи ушлаб турган деб сўнг озоликка чиқарди. Кемасозлик билан шуғулланган компания адвокатининг журналистларга маълум қилишича, кеманинг 23 экипаж аъзоси маълум миқдордаги гаров пули эвазига қўтқарилган. Лекин у гаров пули қанча эканини маълум қилмади. Турли манбаларда айтилишича, Туркия компанияси Сомали қароқчиларига камида 1,5 миллион доллар маблағ тўлаган.

Хиндистонда сув тошқинлари

Хиндистонда муссон ёмғирлари натижасида сув тошқинлари келиб чиқди. Мамлакатнинг Карнатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатлари аҳолиси табиий офатдан жабр кўрмоқда. Сўнги маълумотларга қараганда, сув тошқинлари камида 200 дан ортиқ одамнинг ҳаётига эҳтиш бўлган. Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, табиий офат туфайли 1,5 миллион аҳоли ўйис қолган. Бироқ “BBC News” телеканали ушбу кўрсаткич 10 миллион кишини ташкил этишини айтмоқда.

Гондурасда президент сайловлари ўтказилади

Роберто Мичелетти бошчилигидаги Гондурас ҳукумати мамлакатда амалга оширилган ҳарбий давлат тўнтарилари натижасида эълон қилинган фуқароларнинг конституциявий эркинлиги ва ҳуқуқларини вақтинчалик чегаралаш тўғрисидаги декретни бекор

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МАҒЛУБИЯТЛАРНИНГ БОШ ОМИЛИ:

Маҳоратсизликдами ёхуд тажрибасизликда?

(Бошланғич 1-бетда)

Назаримизда футболчиларимизда мустақил фикрнинг етишмаслиги жамоаларимизнинг мағлубиятга учрашига бош омил бўлаётти. Нафақат футболда, балки бошқа соҳада ҳам ўз фикрига эга бўлган кишигина катта-катта ютуқларга эришиши шубҳасиз. Чунки ўз фикрига эга бўлган инсон кераклик вазиёда тез ва тўғри қарор қабул қила олади. Бу эса футболда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар футболчида тежор қарор қабул қилиш салоҳияти бўлса, у майдонда жамоадошнинг қисқа фурсатда тўп билан таъминлаши, рақиб дарвозасига хавфли зарбалар йўллаши мумкин. Натижада жамоанинг тежор ўйин ташкил этиши осон кечади.

Ҳалимизда қуруқ бўлмаслиги учун юртдошларимиз иштирокидаги бирор ўйинни олиб қўрайлик. Масалан, Миср-2009 доирасидаги ўзбекистон — Гана жамоалари ўртасидаги учрашувга назар солишса, юқоридаги фикрлар нечоғли ҳақиқатга яқин эканининг ғувоҳи бўласиз. Шу ўринда вакилларимиз томонидан ташкил этилган ҳужумларидан бирини таҳлил қилишга уриниб қўрайлик. Рақибларимизнинг хавфли зарбасидан кейин дарвозабонимиз тўпни ағзаллаб олади ва янги ҳужум ташкил этиш учун уни ҳимоячиларимизга етказиб беради. Улар ҳам бири-бири билан аниқ ўйнаб, тўпни ярим ҳимоячиларимизга узатишади. Мана шу ерда келганда вакилларимиз ҳужуми бартараф этилади. Чунки тўпни қабул қилиб олган ярим ҳимоячиларимиз уни нима қилишни билмай доғдираб қолдиради. Иккиланиб турган футболчимиз бирор қарор қабул қилганича рақибларимиз тўпни юртдошларимиздан олиб қўяди. Бутун ўйин, аниқроғи, ҳар бир учрашувда мана шу ҳолат такрорланаверади. Бу аҳволда рақиб дарвозасига гол уриб бўлмайди. Голсиз эса галаба қозониламайди. Энди айтингчи, қайси бир жамоамиз бундай нуссондан хоҳис?

Жамоаларимизнинг мағлубиятларини биргина камчилиқка боғлаш тўғри эмас, албатта. Футболчининг бош вазиёларидан яна бири шуки, у майдонда тўп билан муомала қилишни билгиши керак. Бунга кўпинлик футболчи техникаси деб атайди. Мана шу билангина ўйинчи рақиб ҳимоя чизигини босиб ўтиши, гол уришига замин ҳозирлаши мумкин. Агар вакилларимиз рақиб дарвозасига кўпроқ тўп киритиб, галаба қозонишни хоҳлашса, футболчининг мажбур мажбуриятига ҳам амал қилишлари шарт.

Яна бир гап. Тошкентнинг “Бунёдкор” клуби ўз олдига юксак мақсадларни қўйиб, жамоага жараҳнинг машҳур футболчиларидан бири Ривалдо, дунёга ном таратган мураббий Луис Фелипи Сколари ҳамда ҳамма кўпинликка танилиб улгурмаган чарм тўп устаслари Эдсон Рамос ва Жоао Виктор



Яхши ўйинчининг жойи майдонда...

ларни олиб келишди. Аммо улар жамоамиз сафига келиб қўшилганидан сўнг нима ўзгарди? Бразилиялик машҳур футбол мутахассиси ҳатто футболчимиз юлдузи Миржалол Қосимов қилган ишни ҳам уқаллашмапти-ку! Эсингизда бўлса, ўтган мавсумда ҳамюртимиз бошчилигидаги “Бунёдкор” клуби Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг ярим финалига чиқилган эди. Жорий йилда эса муносабатнинг чорак финалидаёқ клубимизнинг “қовуши тўғрилаб” қўйилди.

Л.Ф.Сколари жамоага келганидан сўнг маҳаллий футболчиларнинг кўпчилигини захирада қолдириб, бразилиялик Рамос ва Жоао Викторларга кўпроқ ишонч билдирди. Бунинг оқибати эса ҳаммамизга маълум. Л.Ф.Сколари жамоалари “Бунёдкор”да иш бошлаган пайтдан бери футболчимиз Виктор Карпенко асосий таркибда даярли майдонга туширилмади. Лекин бразилиялик Рамос жароҳати туфайли Осиё чемпионлари лигасининг чорак финал биринчи учрашувини мухлислар қаторида кузатишга мажбур бўлди. Унинг ўрнида эса эса ҳамюртимиз Виктор Карпенко майдонда тўп сурди. “Бунёдкор” жамоаси учрашувда орта қолаётган бир пайтда мазкур футболчимиз ўзини кўрсатиб, ўртадаги мувозанатни тиклади. Натижада эса вакилларимиз 3:1 ҳисобида зафар қўчди. Аммо чорак финалнинг жавоб учрашувидан Рамос яна асосий таркибда майдонга туширилди. Кутилганидек жамоамиз олдин-ма-кетин ўз дарвозасидан учта тўп ўтказиб юборди. Бу эса бизга муносабат билан хайрлашиш яқинлашганини аниқларди. Шундан кейин чорасиз қолган бразилиялик мутахассис Виктор Карпенкони майдонга туширдик. У бу сафар ҳам ишончини оқлади. Рақиб дарвозасига гол уриб, учрашувда кўшимча вақт белгиланишига замин ҳозирлади.

Кейинги масала анча мураккаброқ. Бу

машҳур футболчилардан бири Ривалдо хусусида. Агар миллий чемпионатимиздаги голларини ҳисобга олмасак, Ривалдо халқаро учрашувларда “Бунёдкор” жамоасига ёрдам бера олмади. Миллий чемпионатимизда ўзбекистонлик футболчилар ҳам бразилиялик футболчилардек қойилмақом тарзда гол ура оlishади.

Фикри охишимча, умуман ҳар бир спортчида энг асосий нарса нима бўлиши керак дегилса, кўпчилик ҳеч иккинчи ватанпарварлик туйғуси дейди. Бу фикрга қўшилмоқ керак! Лекин аччиқ бўлса-да, бир кузатув: қайси жамоамиз мағлубиятга учрамасин, футболчиларимиз майдонни худди голбилардек мардонвор тарқ этади. Ўзингизда бўлса, 2008 йил Москвада Европа чемпионлар лигасининг финал қисмида Англиянинг “Манчестер Юнайтед” ва “Челси” жамоалари баҳс олиб боришган эди. Ушунда пиналтиёрлар баҳсида гол ура олмаган “Челси” клуби вакили Франк Лэмпард учрашув тугаганидан сўнг майдонни йиғлаб тарқ этганди. У бундай шармандалиқни кўтара олмади. Мухлисларимиз юзига қарашдан уялди.

Яна футбол бўйича жаҳон чемпионатида қатнашган ёшларимиз ҳақида икки оғиз сўз: тан олиш керак, Аҳмад Убайдуллаев ўзининг иқтидорли мураббий эканини исботлади. Ёш футболчиларимизга ҳам кўз тегмасин. Барибир ёш ўйнашмайди. Айниқса, дарвозабон С.Қуватов келажак буюк спортчи. Унинг маҳорати туфайлигина ЖЧ 1-тур учрашувларида дарвозамиз голлар билан лиммо-лим тўлмади. Ўйлаймизки, футболчиларимизда жасорат, фидоийлик ва ватанпарварлик туйғусини янада жўш уриши керак!

Бир танишим аччиқ билан шундай дейди: “Футболчиларимизнинг ўйинларини жаҳон футболи билан таққосласам, шундай ҳулосага келаман: “Машҳур созандалар берилиб куй қилинганда эндигина мусиқа асосбини қўлга олиб, куй машқ қилаётган хаваскорлар улар сафига қўшилгандай бўлади тўғр”. Бизнингча, бу ҳақиқатли унчаллик адолатдан эмас. Негаки, Хитой девори ҳам бир йилда қурилган эмас. Ўзбек футболчининг эртаси порлоқ. Бунга ишонч бор. Аммо мухлисларга ҳам осон эмас. Айниқса, кетма-кет мағлубиятларнинг қарши олишининг ўзи бўлмайди.

Шундай ҳолт эртага такрорланмаслиги керак. Ахс ҳолда ҳаммаси олдингидек давом этаверад. Агар ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, 2011 йилда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига саралаш баҳси доирасида Малайя терма жамоасига қарши ноябрь ойида ўтказилган ўйинда ҳам мухлислар ишончи оқланмаслиги мумкин.

Йў-е! Яхши ният қилайлик. Эзгу умидларимиз рўйи ўшаллишига ишонмоқ керак.

Азиз БАҲОДИР

2009 йил — қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

— Бундан 30-40 йил бурун бу ерлар поёни йўқ чўл эди, — дейди Бандихон тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Хусият опа Норбоева. — Инсон эоти ҳамма ишга қодир. Унинг қадами етган ердан гул унади. Қўли теккан нарсадан мўъжизалар яратилади.

Дарҳақиқат, Бандихон айлолари қисқа муддатда ўзгарди, боғу-бўстонга айланди. Энди бў ерларда пахта, қалла етиштириляпти. Мазаси оғизда қоладиган қовун-тарвузларнинг макони ҳам Бандихон. Сўлим боғларидаги турли хил мева ва узумнинг довури доvon ошган, ширинликда тенги йўқ десак, муболага бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, чўл чекинди, инсон измига бўйсунди. Ўз бахтини чўлдан излаган одамларнинг давраси кенгайиб, улар “Чорвадор” қишлоқ йигини ҳудудиди бирлашди. Эгамберди Норматов шу қишлоқ оқсоқоли.

Чўлни бўстонга айлантираётганлар

Қишлоқ ҳам энига, ҳам бўйига ўсди, кенгайди. Айниқса, истиқлол йилларида “Кангисой”, “Оққўрғон”, “Хўжайинок”, “Зевар” сингари маҳаллалар чўлда чамандек юз очди, 8600 нафардан ортиқ киши умргузуворлик қилаётган обод, кўркам манзилга айланди. 1750 оиланинг сони йилдан-йилга ўттиз-ўттиз бештага кўпайиб бормоқда. Демак, аҳоли сони ўсмоқда. Шу боис, Чорвадор қишлоғи одамлари бунёдкорлик ишлари билан банд. “Зиллол Бандихон”, “Қаҳрамон сув”, “Таянч сув”, “Шўрб-Дўстлик” сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига қарашли фермер хўжалиқларида пахта ва қалладан юксак хирмонлар яратилмоқда. Бу ерда ишсизлар сони оз. Ҳамма меҳнат қилади. Кенг далалар эрта тонгдан қош қорайгунгача ёшланглар, ҳатто долзарб паллада уларга мададкор бўлган кекса кишилар билан гавжум.

Мурувват қўлини чўзмоқда, моддий ёрдам кўрсатмоқда. Ишонинг натижаси эса кутилганидан ҳам зиёда бўляпти. Қисқа вақт ичида беш юз ўн хонадонда “зангори олов” ёнди. Қишлоқ кўчалари раvon. Уларни таъмирлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Биргина ўтган йили маҳаллалардаги ички йўлларга шағал ётқизилди. Унинг умумий узунлиги 35 километрни ташкил этади. Бу иш хашар йўли билан амалга оширилди. Мавжуд 4 та умумий ўрта таълим мактаби, қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлашга ҳам қишлоқ меҳнатқашлари саховатпешалик кўрсатишди. Аҳолидан йиғилган маблағ ҳисобидан “Оққўрғон” маҳалласида сартарошхона, пойабзал таъмирлаш шохобчалари қурилди. Ернинг захини қочириб мақсадида икки километр масофада ариқ қазилди.

Одамларнинг аҳволидан хабар олиш маҳалла раиси Абдугани Мўминовнинг доимо диққат марказида. “Чорвадор” қишлоқ йигини ўраминидаги маҳаллаларда йигирма нафарга яқин ногирон, икки нафар яқка-ёлғиз, йигирма беш нафар эҳтиёжманд одамлар истикомат қилади. Бу йил уларга моддий ёрдам кўрсатишга қарий бир миллион сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Бошқа бир маълумот: қишлоқ фуқаролар йигинида 11 та но-тинч оилалар рўйхатга олинган. Эгамберди Норматов муаммони обдон ўрганди. Уни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатди. Натижада ажралиб кетиш хавфи тутилган оилаларнинг ҳаммаси асраб қолинди, норасида гўдаклар етим бўлиб қолмади.

Фарҳод Исмоилов раислик қилаётган “Хўжайинок” маҳалла фуқаролар йигинида ҳам амалга оширилаётган ибратли ишлар бисёр. Маҳалла гузарги хамиша одамлар билан гавжум. Тегирмон, тикувчилик қорхонаси, тижорат дўконлари Фарҳод Исмоиловнинг тинимсиз елиб-югуриши туфайли ташкил қилинган. Энди улар маҳалланинг қарийб 2100 ки-шилик аҳолисига беминнат хизмат қилимоқда. Ўтган йили тадбиркорликни йўлга қўйиш эвазига ўттиз кишига иш ўрни яратилди.

Бир сўз билан айтганда, Бандихон туманидаги маҳалла йигинлари фаоллари амалга ошираётган саъй-ҳаракатдан барча мамнун.

Омон ШУКУРОВ

АМНИСТИЯ ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТДИР

Мамаклатимизда инсон-парварлик тамойиллари-га таянган ҳолда барча жабҳаларда ислохотлар амалга ошириляпти. Суд-ҳуқуқ соҳаси ҳам ушбу жараёндан четда қолмаган. Янги қабул қилинаётган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқ ҳужжатлар, уларга киритилаётган ўз-гартириш ва қўшимчалар биринчи галда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини назарда тутган ҳолда ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бунга амнистия актининг қўлланилиши жараёнини мисол қилиш мумкин.

Амнистия грекча сўз бўлиб, “авф этиш, унуттиш” маъносини билдиради. Миллий қонунчилик-мигазида биноан “Амнистия тўғриси-да”ги қарорни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қабул қилади, Ўзбекистон судлари эса ушбу ҳужжатни қўллайди.

Республикаимизда амнистия тўғрисида Сенатнинг қарори қабул қилиниб, тўғри йўлдан ада-шиб, жиноят қўчасига кириб қол-ганлар учун яна бир имконият берилмоқда. Шунинг ҳам таъкид-лаш жоизки, амнистия актини қўллашда ҳам ўзига яраша мез-ъоний талаблар мавжуд. Мисол учун, шу йилги амнистияни ол-сак: “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганли-гини ўн саккиз йиллиги муноса-бати билан амнистия тўғриси-да”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қаро-

рида бундай талаблар аниқ бел-гилаб ўтилган.

Мазкур қарорнинг биринчи бандида қайси тоифадаги шах-слар ҳамда қандай турдаги жино-ятларни содир этганлиги учун жа-рвобарликка тортилаётган фуқа-ролар жазодан озод этилиши қайд этилган. Яъни содир этган жиноятлари учун судланган аёл-лар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва чет эл фуқаролари жазодан озод қили-ниши белгиланган.

Бундан ташқари, иккинчи бан-дда эҳтиётсизлик орқасида жино-ят содир этган шахслар, шунинг-дек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлма-ган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, учинчи бандида бирин-чи ва иккинчи гуруҳ ногиронла-ри, шунингдек, мазкур қарор қу-дга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўта-шга тўсқунлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топил-ган шахслар (жавобгарликни оғир-лаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноя-тини содир этганидан бундан му-стасно), қарорнинг тўртинчи бан-дда озодликдан маҳрум қилиш жа-зосига ҳукм қилиниб, ўтالمай қол-ган жазо муддати икки йил-дан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қушга кирган мах-кумлар (жавобгарликни оғир-

лаштирадиган ҳолатларда қасд-дан одам ўлдириш жиноятини со-дир этганлар бундан мустасно), қарорнинг бешинчи бандида та-қиқланган ташкилотлар фаолият-тидаги иштироки, улар таркиби-да тинчлик ва хавфсизликка қар-ши ёки жамоат хавфсизлиги-га қарши жиноятлар содир эт-ганлиги учун биринчи марта озод-ликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши қайд этиб ўтил-ган.

Шунингдек, озодликдан маҳ-рум қилиш жазосига ҳукм қили-ниб, мазкур Қарор эълон қилин-ган кунга ўтالمай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлма-ган шахслар манзил-қолонияга ўт-казилиши, ушбу Қарорнинг бирин-чи ва иккинчи бандларида қайд этилган шахслар томонидан со-дир этилган жиноятлар юзаси-дан олиб борилаётган барча иш-лар тугатилиши белгиланган.

Шу билан бирга ушбу бандда мазкур қарорнинг саккизинчи бандида амнистия акти таъсири доирасига тушмайдиганлар тои-фаси ҳам борлиги эътироф этил-ган. Саккизинчи бандда амни-стия акти таътибқ этилмайдиган жиноятлар сираси ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, қайд этилган Қарор — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жа-зосига ҳукм қилинган, ўта хавф-ли рецидивист деб топилган, жиноий уюшма таркибиди жино-

ят содир этган, жазони ўташ тар-тибини мунтазам равишда бузаётган, шунингдек, ўлим жа-зоси авф этиш тартибиди озод-ликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга, Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Қарорнинг 1,4,6 ва 7-бандлари — тақиқланган ташкилотлар фа-олияттидаги иштироки, улар тар-кибиди тинчлик ва хавфсизликка қар-ши ёки жамоат хавфсизлиги-га қарши жиноятлар содир қилинганлиги учун судланган шахсларга, Қарорнинг 2,-4,-7-бандлари муқаддам амнистия тартибиди жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга амнистия акти таътибқ этилмаслиги кўрсатилган.

Юқоридигилардан кўриниб ту-рибдики, амнистия актини қўллашнинг ҳам ўзига яраша тар-тиб ва қоидалари мавжуд. Шу билан бирга “Амнистия тўғриси-да”ги қарор асосида жа-зодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўнглими ва ҳимоя-сига оид қораларни амалга оши-риш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали тарзда ҳал этиш мақсадида прокурату-ра органлари, Ўзбекистон Рес-публикаси Ички ишлар вазирли-ги, Миллий хавфсизлик хизма-ти, Ўзбекистон Республикаси а-длия идоралари ва судлар, шу-нингдек, маҳаллий давлат ҳоки-мияти органлари ва фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари раҳбарлари орасидан Қаро-

қалпоғистон Республикасида, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий комиссиялар тузилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сена-тининг 2009 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мус-тақиллиги эълон қилинганлиги-нинг ўн саккиз йиллиги муноса-бати билан амнистия тўғриси-да”-ги Қарори ва уни қўллаш тарти-би ҳақидаги Низомнинг аниқ ва бир хилда ижросини таъминлаш мақсадида қўйилган прокурату-рага Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг топшириги ю-борилган. Мазкур топшириқда про-курорлар зиммасига Қарор иж-роси устидан қатъий назорат ўрнатиш, қонунбузилиш ҳолат-лари аниқланган тақдирда про-курор таъсир қораларини қўллаш вазифаси топширилган.

Шу ўринда ушбу жараённинг нақадар инсонпарварлик та-момойиллари билан йўрилганли-гига гувоҳ бўласан киши. Шун-дай экан, амнистия акти қўлла-ниб, жиноий жавобгарликдан озод қилинган ҳар бир шахс бунинг имтиёз эмас, балки тўғри йўлга ўтиш учун берилган яна бир имконият сифатида қабул қилиши жоиз. Зеро, бундай им-коният қонуний нуктаи назардан ҳам, одамийлик нуктаи назари-дан ҳам адашган инсонга умри-да бир мартагина берилди.

Ҳаётбек ШАМСУТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим прокурори.

Кредит ҳисобига иссиқхона

Ҳукуматимизнинг Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланганидек, агросаноат мажмуи тармоқларини ривожлантиришда молия-банк тизимининг ролини ошириш ва соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун Президентимиз 2009 йил йилнинг 30 мартинда “Агробанк” акциядорлик тижорат банкисини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга асосан “Пахтабанк” негизиди “Агробанк” акциядорлик тижорат банкисини ташкил этилиши иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқур-лаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашда уларга кенг турдаги молиявий хизматларни кўрсатиши белгиланди. Бундай кенг қўла-мадаги вазифаларни амалга оширишда “Агробанк” ОАТБ Жиззах вилояти бошқармасининг ҳам ҳиссаси катта.

Республикаимиз иқтисодиётида му-ҳим ўрин эгаллаган банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар ўз са-марасани бераёпти. Мамаклатимизда фаолият кўрсатаётган молиявий муас-сасалар халқ фаровонлигига хизмат қилиб, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим ўрин эгалламоқ-да. Айни вақтда жаҳонда рўй бераёт-ган молиявий инқироз кўплаб давлат-лар иқтисодиётига, хусусан молия ва банк тизимига ўзининг салбий таъси-рини кўрсатаётгани сир эмас. Шундай мураккаб вазиятда мамлакатимиз раҳ-барли томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосида ҳар томонлама ўринли ва чуқур ўйланган иқтисодий сиёсат юритилаётгани туфайли ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилгани туфайли инқироз мамлакатимизни четлаб ўтмоқда.

— Бизда қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самардорлигини ошириш бо-расида бир қанча тадбирлар белгилан-ган, — дейди “Агробанк” ОАТБ Жиззах вилоят филиали бошқарувчиси вази-фасини бажарувчи Уктам Алибеков. — Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни чу-қурлаштириш ишига туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий қорхоналарни

жадал барпо этиш, қишлоқда, аввало ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъ-минлаш, қишлоқ аҳолисининг даромад-лари ва турмуш сифатини оширишга



қаратилган чора-тадбирларнинг кенг комплексини таъминлаш асосий вази-фаларимиздан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, банк филиали томони-дан 2009 йилнинг 1 июль ҳолатига 9810 млн. сўм кредитлар ажратилиб, ушбу маблағларнинг 1215 млн. сўми микро-кредитларни ташкил этди. Берилган

кредитлар ҳисобига 2159 янги иш ўри-лари ташкил этилгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Қишлоқ тараққиёти ва фар-овонлиги йили” Давлат дастури тўғри-сида”ги қарорига асосан иқтисодиёт-нинг аграр сектори самардорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисо-дий ислохотларни чуқурлаштириш, аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишла-диган замонавий қорхоналарни барпо этиш мақсадида 2118 млн. сўмлик кре-дитлар ажратилди. Шундан 495,9 млн. сўми паррандачиликни ривожлантириш учун, 494,5 млн. сўми сервис ва маи-ший хизмат кўрсатишга, 218 млн. сўми иссиқхоналар ташкил этишга, 391 млн. сўми минитехнология ва инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга, 215

млн. сўми мева-сабзавот маҳсулотла-рини қайта ишлашга, 115 млн. сўми эса касаначиликни ривожлантиришга ҳамда 2097 млн. сўм бошқа соҳаларга ажратилган.

— Мазкур молиявий муассасала-рини қайта ишлашга, 115 млн. сўми эса касаначиликни ривожлантиришга ҳамда 2097 млн. сўм бошқа соҳаларга ажратилган.

— Мазкур молиявий муассасала-рини қайта ишлашга, 115 млн. сўми эса касаначиликни ривожлантиришга ҳамда 2097 млн. сўм бошқа соҳаларга ажратилган.

— Мазкур молиявий муассасала-рини қайта ишлашга, 115 млн. сўми эса касаначиликни ривожлантиришга ҳамда 2097 млн. сўм бошқа соҳаларга ажратилган.

— Мазкур молиявий муассасала-рини қайта ишлашга, 115 млн. сўми эса касаначиликни ривожлантиришга ҳамда 2097 млн. сўм бошқа соҳаларга ажратилган.

Норкул МАЪМУР

Давр билан ҳамнафас

Янги ўқув йилини Фарғона вилоятининг ўрта махсус касб-хунар таълими жамоалари пухта тайёрларлик билан бошлади. Худудий бош-қарма тасарруфидида коллежлар ва академик лицейларнинг энг замонавий техник анжумлар билан жиҳозланган ўқув-амалиёт аудитория-ларида, маънавият ҳамда спорт-жисмоний тарбия гушларидида, маляка ошириш устахо-наларида ўқувчи ёшларнинг билим ва касб-хунар сирларини чанқоқлик билан ўзлаштири-шати, малакали устозларнинг эса ўз бур-чаларини сидқидилдан бажаришати кўриб, кўз қувонади.

— Коллежларимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, уларда таъ-лим-тарбия бераётган пе-дагоглар ва муҳандис-му-раббийлар таркиби қатъ-ий талаблар асосида тар-киб топан. Улар сафидида фан докторлари, фан ном-зодлари, чуқур билим ва тажрибага эга бўлган олий тоифали мутахассис ўқитувчилар кўп. Ўқув-тар-бия жараёнлари мустаҳкам интизом негизиди амалга

ошириляётгани ҳам яхши самара бермоқда, — дей-ди худудий бошқарма бошиги Шаҳобиддин Хол-матов.

Вилоят коллежларининг аксарияти ривожланган хорижий давлатларнинг кредитлари ҳисобидан энг замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳоз-лангани ҳам таълим сам-мардорлигининг юқори са-вияга кўтарилишига омил бўляпти. Масалан, таъ-

лим муассасаларининг 48 таси чет эл кредитлари ҳисобига қарий 9 милли-ард 163 миллион сўмлик ўқув-техника воситалари ва физика, химия, биоло-гия фанлари бўйича ўқув лаборатория жиҳозларини олди. Кува, Бағдод, Опти-арик, Езёвон, Данғара ва Бешарик туманлари ҳамда Фарғона, Қўқон ва Марғи-лон шаҳарларидаги бир қатор касб-хунар коллеж-лари шулар жумласидан-дир. Шунингдек, Қўқон нефтегази саноти ҳамда автотранспорт, Фарғона машинасозлик ва Фарғо-на туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллеж-лари ҳам Ўзбекистон-

Швейцария касбий кўник-маларни ривожлантириш 2-босқичи лойиҳасига ки-ритилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Умумтаълим мактаб-ларининг 9-синф битирув-чиларининг академик ли-цей ва касб-хунар коллеж-ларида таълим олишлари-ни кучайтириш чоралари тўғрисидаги” қарори иж-росини таъминлаш асо-носиди, умумтаълим мак-таблари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари учун вилоят халқ таълими бош-қармаси билан ҳамкорлик-да қўшма ййгилишлар, “Оилавий таълим”, “Очк-эшиқлар кўни”, “Мутахас-сислик — сенинг келажак-

гинг” каби тадбирларни ўтказиш аънана тусини олди. Жумладан, вилоят-даги барча умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш ишлари бутун йил давомида белгилан-ган жадваллар асосида олиб бориладиган бўлди. Мактаб битирувчилари коллежлардаги ўқув-амалиёт хоналари, лаборато-риялар, компьютер хона-лари ва бошқа аудито-риялар билан танишиш-ди. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Дав-лат дастури асосида бош-қарманинг таълим муасса-саларида тадбирлар иж-ро этилган, қишлоқ инфра-

тузилмасини шаклланти-риш, қишлоқ хўжалик маҳ-сулотларини ишлаб чиқа-риш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, йўналишини технологик асосларга кўчи-риш масалаларининг мо-ҳияти ҳамда ана шу тар-моқлар бўйича касб йўна-лишларини эгаллаш, фер-мерлик истиқболлари ҳақида кенг қўламли ту-шунтириш ишлари олиб бориляпти.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқий тартибот ишлари-ни кучайтириш мақсадида “Шахс ва жамият”, “Сиз

қонунни биласизми?” кўрик-танловлари ўтказил-ди. Бу кўрик-танловлар яхши самаралар берди. Масалан, “Сиз қонунни би-ласизми?” кўрик-танлови-нинг республика финал босқичида иштирок этган Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчилари фахр-ли 2-ўрин соҳиб бўлдлар. “Шунқорлар” респу-блика ҳарбий спорт мусо-бақаларида эса Қувасой саноат касб-хунар коллежи ўқувчилари пешқадамликка эришдилар. “Барҳаёт аъна-аналаримиз” республика фольклор фестивалида қатнашган Қўқон педагоги-ка коллежи ўқувчилари 3-ўринни, “Энг яхши китоб-хон” кўрик-танловининг республика босқичида эса Ермозор академик лицейи ўқувчиси Динавоз Қўлдо-шев ва фахрли 2-ўринни эгаллашга мушарраф бўлди. “Ватаннинг ҳар қаричи Ватан. Асра уни

бўлиб бир жон-у, бир тан!” шиори остида ўтказилган иншолар танловидида ўқувчи ёшлар “Сарҳадларимиз мустаҳкамлиги — тинчли-гимиз пойдевори”, “Тинч, осийишта ҳаётимиз — бе-бахо неъмат”, “Мен тинч-ликка қандай ҳисса қўша-ман?”, “Ўз уйим, ўз юр-тимнинг посбониам” мав-зуларида иншолар ёзиш-ди. Мазкур танловда 103 мингта яқин талаба ишти-рок этиб, улардан бир қан-часи голибликка муяссар бўлишди.

— Янги ўқув йилида ти-зим фаолиятини янада та-комиллаштириш ва ри-вожлантириш учун ўқув-амалиёт машғулотларини илгор педагогик-мураб-бийлик услубларини кенг қўллаган ҳолда олиб бор-моқдамиз, — дейди Ша-ҳобиддин Холматов.

Солиҳ ҚАҲҚОР, “Hurriyat” муҳбири.

МАЪНАВИЯТ

ИЖОД САҲИФАЛАРИ

АКС-САДО

УЛАРНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

Хотираларни тарих нарчалари, дегим келади. Чунки хотиралар юз берган воқеаларга, аниқ факт ва далилларга асосланади, давр ҳақида ишончли тасаввур бера олади. Шу сабабдан, тарихчилар давр тарихини ёзаётганларида ана шундай хотираларга ҳам ишончли манбалар сифатида суянишлари бор ҳодиса.

Маданий ҳаётимизда ёзувчиларимиз, олимларимиз, зиёлиларимизнинг ўз хотираларини ёзиб, ўқувчиларга тақдим этиши яхши одат тусини олган. Ўз вақтида хотиралар асосида ёзилган алоҳида Тошмуҳаммад Қори Ниёзийнинг "Ҳаёт мактаби", устоз адиблар Ойбекнинг "Болалик", Абдулла Қаҳҳорнинг "Утмишдан эртаслар" асарлари шунчаки хотира бўлиб қолмай, балки адабиётимизни ҳам бойитган асарларга айланади.

Таникли адиб, тарихий романлар муаллифи Мақсуд Қориевнинг яқинда нашр этилган "Уларни унутиб бўладими" номли китоби, фикримча, тарихчиларимизга давримизни ёритишда озми-кўпми кўмак берадиган шундай китоблардан биридир. Фурсатдан фойдаланиб, академик Матёкуб Қўшжоновнинг "Дийдор", Ўзбекистон халқ шoirи Жумайиёз Жабборовнинг "Ҳайрат олами" хотира-китобларини ҳам айтиб ўтишни лозим топаман. Бу китобларда келтирилган хотиралар ҳам ўзининг ҳақонийлиги билан ажралиб туради ва давримиз ҳақида ёрқин тасвир беради.

Мақсуд Қориев ўз эсдаликларидан халқимизга кўп нарсани сингган фидойи инсонлар ҳақида хикоя қилади. Ёзувчи ўз китоби ҳақида шундай ёзади: "Бу менинг ҳаёт дафтарим саҳифаларидаги битикларим. Барчаси ўтди-кетди, саодатли, гам-андухли кунлар ҳам.

Ҳақида катта-катта китоблар ёзилиши мумкин, лекин Мақсуд Қориев ўз китобида келтирган хотиралар ҳам ўқувчига бирдек қадрлидир.

Ёзувчининг қоғозга туширган хилма-хил ҳаётий лавҳалари жуда самимий ёзилгани билан диққатни тортади, улар муаллифнинг ўзи шохид бўлган, ўз кўзи билан кўрган воқеалардир. Уларнинг айрим-айримлари тўхталайлик.

Академик Қори Ниёзий билан учрашувларини эслар экан, аллоҳнинг "Ҳаёт мактаби" китобини ўзига тақдим этгани ҳақида ёзиб, олимнинг дастхатини келтириб ўтади: "Ушбу китобимни Сизга беҳад икром ва эътиқод билан тақдим этурман, уни жавонингизда сақлаб қўрсиз, гоҳ-гоҳ назар ташлаганингизда каминани ёд этурсиз. Қори Ниёзий. 11 апрель 1966."

Буюк сўз санъаткори Фафур Фулом Мақсуд Қориев хизмат этадиган нуфузли газета (ҳозирги "Ўзбекистон овози") таҳририятига тез-тез ташриф буюриб турар эди. "Тонг отар чоғида жуда соғиниб..." деб номланган хотирасида ёзилишича, бир кун Фафур ака таҳририятга келиб, "Газетангга янги хикоя олиб келишим, бугунги сонга қўйиб юборасан," — дейди. Иттифоқо, машур шoir Мақсуд Шайхзода ҳам шу ерда эди. Шайх ака хикоянинг кўринмайдиган қани, ўқи-чи, бир эшитайлик, дейди кулимсираб. Фафур ака бармогини ўз пешонасига бир-икки нүжди: "Хикоя мана бу ерда турибди, ҳозир қоғозга тушади. Тез Хамид Нурийнинг хабар! Хикояни

айтиб тураман, ёзиб олади! Анави Тулизаковинга айт, қалам ҳақини ёзиб берсин!" — деб жавоб беради. Ҳамма кунли юборади. Хуллас, ишлар рисоладагидек адо этилади, хикоя бир соатда қоғозга тушади ва эртасига газетада эълон қилинади. Бу хикоя Ўзбек адабиётининг дурдоналаридан бирига айланган "Менинг ўғригина болам" эди...

"Ён қўшни жон қўшни" деб аталган хотира математик олим, академик Тўхтамурадов Жўраевга бағишланган. Хотирани бе-малол романга киритиш мумкин бўлган ажойиб эпизод дейиш мумкин. Янги йил киришига бир неча соат қолганда адиб билан академик байрам дастурхонига адибнинг дала боғидан шинавандалик билан тайёрланган қўлбола мусалласни олиб келмоқчи бўладилар. Лекин йўлда машина қорда тикилиб қолади ва ҳаяжонли воқеалар, ўзига хос саргузаштнам оҳлатлар юз беради... Бу ўқувчига келатган қизиқ.

1970 йилда Ўзбекистон халқ шoirи Миртемир Мақсуд Қориевга Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб кириш учун тавсиянома ёзиб берган эди. Адиб шoir ҳақидаги хотирасида шу тавсиянома-ни келтириб ўтади. "Муаллифининг асарлари — деб ёзади Миртемир, — бадийлик, замонавийлик, ҳақўйлик ғоялари билан суғорилган. Уларни ўқиб баъзан қувонасан, баъзан хаёлга чўмасан. Айниқса, унинг "Ойдин кечалар" қиссаси қахрамонларининг катта ҳаёт йўлини юксак бадиий ифодалаш билан



Мақсуд ҚОРИЕВ
УЛАРНИ
УНУТИБ
БЎЛАДИМИ

алоҳида ажралиб туради.

Китобдан адибнинг "Элга айтар сўзларим" деган битиклари ҳам жой олган. Шунга айтиш лозимки, кейинги пайтларда умуман муаллифнинг асарларига у ҳақда ёзилган бир мақола эмас, балки бир неча мақолаларни илова қилиб китоб ҳолида нашр этиш урф тусини ола бошлади. Масалан, Ўзбекистон халқ шoirи Тўлан Низомнинг уч жиллик "Сайланма"си 1-томига шoirнинг ижоди ҳақида бир неча мақолалар ҳам киритилган. "Уларни унутиб бўладими" китобида ҳам мақсус бўлимда адибнинг ҳақида устозлари, дўстлари ва шoirларнинг дил сўзлари ёритилган мақолалар берилган. Уларни ўқиб, ўқувчи ёзувчи ижоди ҳақида маълум тасаввурга эга бўла олади.

Халқона таъбир билан айтганда, муборак минг ой — 83 ёши қоралаб турган захматқаш адиб ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мақсуд Қориев қаламини маҳкам тутиб, ҳамон ижод қилиб келмоқда. У яқинда "Ғазнавийлар" номли романининг иккинчи китобини ҳам ёзиб тугаллаб, ўқувчиларга ҳавола қилди.

Буларнинг бари адибнинг ҳали элга айтар сўзлари қўлтигидан нишонадир.

Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ
ёзувчиси.

Хоразм қўшиқчилиги: нохуш кўринишлар

Айтишларича, фаришталар улкан санъат дарахтини ўрнатмоқчи бўлиб, йўлга тушишибди. У ерга қўйишибди, бу ерга қўйишибди, аммо муносиб жойни топа олишмабди. Охири Ҳиндистон ҳудудига экишни маъқул кўришибди. Ана шу дарахтни судраб олиб кетишадиганларида бир киши кичик шохидан синдириб олибди. У Хоразм улқасининг фарзанди экан. Шундан бўён бу воқеада ҳам санъат гуллаб-яшнаган экан. Албатта, бу бир ривоят. Лекин ўзбек, хусусан Хоразм санъати ҳам жуда бой тарихга эгаллигига шубҳа йўқ. Айниқса, Хоразм лазгиси қадим-қадимдан бутун дунёни ҳайратга солиб келган. Бироқ...

Хар гал таътилда Хоразмга борганимда юрагимдаги бир оғриқ янгилаверди. Воҳа санъатидаги айрим нохуш кўринишлар нафақат мени, кўпгаб ҳақиқий санъат шайдоларини ҳам ташвишга соймади. Хоразм санъатининг бугунги қиёфасини кўриш учун вилоятдаги хусусий телеканалларни ярим соат томоша қилсангиз кифоя. Ундан ҳам қулай, бозордан диск сотиб олинг. Ана шунда хонандаларнинг "сермаҳсул" ва "сифатли" ижодларидан тўлақонли "Бахраман" бўласиз. Негаки бугун айрим "санъаткорлар" қўшиқ яратишда маъно ва мазмунга эмас, энг аввало унинг шўх, яъни ўйинбоп чиқишига



Бой мени нохуш хоним эй...

кўпроқ ургу беришмоқда. Шунинг учун қўлада айтиладиган гаплар ҳам "қўшиққа" айланмоқда, десам муболага бўлмайди. Масалан, бир хонанда клипиди қичқириб, хуштақ чалади-да:

"Эй, хушт, Оксана,
Кўчангданан қисанг-а",
— деб хонани қилади-да, кейин қўшиқнинг бошидан охиригача малласоч қизнинг кетидан юраверади. Яқинда эса бир "санъаткор" қизларнинг исмини нақорат қилиб қуйлаш бўйича рекорд қўйди: Мадина исмини бир нақоратда 20 мартаба такрорлади. Қўшиқ давомида нақорат 3 марта такрорланди, демак 60 марта "Мадина", дея "қуйланди". Уша "хонанда" яна бир қўшиғида нуқул "мазали-мазали", яъни "моззи-моззи" (шевада) дея такрорлайвериб анча "танилиб" қолганди. Бунга ўзингиз баҳо беринг!

Болдин ширин лабларинг,
Моззи-моззи.
Оппоқ морка билаларинг,
Моззи-моззи.

"Хонанда"нинг ўзбек йигитларига хос гурури, рашки, ор-номуси қани? Ўз севган қизини ҳаммага кўз-кўз қилиши, мақташи қайси ахлоққа тўғри келади?

Айрим раққоса қизларнинг рақсларини кўриб, ўзларидан кетиб қолмадимикан, дея ўйлаб қоласиз. Улар шунчалар "универсал"ки, арабча дейсизми, туркча дейсизми ҳаммасига ўйнайверади. Алламбало ярим-яланғоч кийимларини, беҳаё қилиқларини кўриб, рақсларни томоша қилиб воёга етаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу уларнинг тарбиясига жиддий салбий таъсир кўрсатмаслигига ҳеч ким қасолат беришмайди.

Қолаверса, шунга алоҳида таъкидламоқчиман: "Қўшиқчилик санъати: клип керакми?" ("Hurriyat", 2009 йил 9 сентябрь) деб номланган мақоладаги барча мулоҳазаларга қўшилман. Бугун халққа тақдим этилаётган бачкана, савияси паст қўшиқлар, клиплардан юрак безиллаб қолди. Очиғи, кимдир билиб-билмай санъатнинг қадрига етиб-етмай енгил-елпи "матох"ини қўшиқ деб, клип деб элга тақдим этмоқда. Аммо ана шу бўлмагур (узр) куй ва қўшиқларни миллионлаб томошабин ҳукмига ҳавола қилапти? Нерак учун? Бу ҳақда кимдир қайғуриши, кирак бўлса жавоб бериши лозим эмасмикан?

Мен ҳам шу воҳа фарзандиман. Юқоридаги фикрларим билан Хоразм санъатини бутунлай ёмон отлик қилиш нияти бегона. Фақат унинг юзига доғ бўлиб тушаётган айрим жиҳатлар хусусида жиддий ўйлаб қўриш керак, демоқчиман, холос. Айниқса, Хоразмда фаолият кўрсатаётган хусусий телеканалларнинг мутасаддилари бу масалага жиддийроқ ёндашишса, ҳис олди-сотдисини назорат қилувчилар ҳам ўз вазифаларига масъулият билан қарашса, бир сўз билан айтганда ҳар ким ўз ишини аввало виждон нуктаи назаридан келиб чиқиб, амалга оширса, фойдадан холи бўлмасди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ХАНГОМА

Осмонда қуёшдан бўлак ҳеч нарса йўқлиги боис кун роса қизиган, одамлар ўзларини соя-салқинга урган бундай пайтда шаҳар кўчалари ёш йигит-қизлар билан тўлиб-тошади. Кимдир имтиҳонларни яхши топшириб талаба бўлган, яна кимдир омадини кейинги йилда синаб кўрмоқчи. Бозор ҳам ҳар доим-гидек одамлар билан хилқ тўла. Улар орасида "яшил формали"лар ҳам кўзга ташланиб туради. Яшил либоси ўзига ярашиб турган икки киши дарахт соясида ўтириб ўтган-кетганнинг синчиклаб қузатапти. Улар катта сумка кўтарган, қорачадан келган бир "шубҳали" йигитни кўришди-ю, ўша томонга жадал қадам ташлашди. Унинг ортидан изма-из етиб келиб:

— Ака, сизни бир дақиқага мумкинми? — дея бўйи пастроғи худди қочиб кетаётган жиноятчини тутгандай қўлтигидан олди.

Сумкали йигит аввалгига нима бўлаётганига тушулмади, кейинроқ эса ундан-бундан эшитган ўша "яшил қармоқ"ка илинганини англагандек бўлди. Энг ёмони, ёнида паспорти йўқ эди. Шундай бўлса ҳам сир бой бергиси келмади:

— Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик, ака. Хизматчилик, ҳужжатларингизни бир кўриб қўйсак бўладими? — деди новчаси ўзини ҳам таништиради.

Бояги йигит нима дейишини билмай саросимага тушиб қолди. Тўғри-да, одам дегани кўча-қўйда ҳужжат билан юриши керак-ку, ахир! Миллиционерларга жўяли бир баҳона тополмагач, уни бозорнинг сал четроғидаги идораси томон судрай бошлашди. Йигит қараса, ўзига ўхшаганлардан яна бештаси бир "Газел"га қамаб

"ХИЗМАТЧИЛИК"

қўйилган. У қандай бўлмасин, бу ердан чиқиб кетмаса, ахвол чатоқ эканини сезди. Бўйи пастроғининг қўлидан ушлаб, "келишмоқчи" бўлди:

— Акалар, илтимос, қўйворинглари! Келишамиз, қўйворсанглари бўлгани!

Соддагина бу йигитнинг дабдурустдан "келишув" тақлиф қилгани формалиларни бироз шошириб қўйди. Ҳали "янги" бўлишса ҳам у ёқ-ёқдан "тушуш" тушишини билишарди-ю, лекин бунчалик осон ва тез... Шунга қарамай, бирданги рози бўлишни хоҳлашмади:

— Ие, укам, бизни ким деб ўйлаясиз? Бу гапни иккинчи эшитмайлик!

Кейин бирдан сергак тортишди. Нарироқда "каттароғи" улар томонга келаётганди. Сал семизроқ, қорни камари устидан осилиб турган "командир" тушлик қилганини билдирмоқчи бўлгандай тишини кавлаб, аввал йигитга, сўнг иккала ходимга разм солди:

— Ҳа, ничиво. Эндигина ишга чиқиб, дарров битта тутдиларингми? Яхши. "Газел"га тикларинг!

Бундай муносабат йигитнинг нафсониятига тегиб кетди. Аммо ўзини босди. Формалиларга эргашиб, "Газел"га борди. Машина кабинасида сиграет тутатиб ўтирган яна бир "мелиса ака" янги "ўлжа"ни кўриб, ичкаридагилар билан қўшиб санаб қўйди. Сўнгра иккала "хамкасб"ига қаради:

— Яхши, энди бекат томонга борларинг. Ўша ердаям кўп юришади.

Икковлон бир-бирига қаради-ю, айтмоқчи бўлганлари новчасининг оғзидан чиқди:

— Бугунга бўлар?..

— "Янги мелиса" хали гапни тугатмасидан "командир"нинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

— Қалланг жойдаими?! Мошина ҳавога юракчанми? Энди олтига бўлди. Ҳеч бўлмаса ўнмага етсин. Тўлса, кетамиз!

Икковлон "бизга нима, тутиб келаварамиз-да" дегандай бекатга қараб юришди. Бекат ҳар доимгидек гаҳжум. Катта-кичик автобуслар келиб, одам туширади, одам олади. Нарироқда энгил машиналар учун тўхташ жойи бор экан. "Ов"га қараш формалилар анча вақтгача куттишди. Биронта "шубҳали шахс" кўринмасди...

Ниҳоят, машиналар турган томондан оддий қораш ва оқ қўйлак кийган сипогина бир одамга кўзлари тушди. Қизиқ, қўлида қандайдир папкаси ҳам бор экан. Икковлон шу кишини тутмоқчи бўлишиб, унинг олди-га келишди:

— Узр, ака, хизматчилик. Ҳужжатингизни кўрсак бўладими?

Бояги одамнинг негадир кулгиси кистаб кетди. Кейин жиддий қиёфага кириб, хотиржам ҳолда кўзларини уларга тикди:

— Тушунмадим. Мендан ҳужжат сўрашга нима асосинглари бор?

— Ака, биз сизга ёмонлик қилмаймиз. Фақат, хизматчилик, ҳужжат сўраймиз, холос. Ёнингизда паспортиз бўлиши керак-ку, ахир!

Бояги одам энди очикчасига кулиб юборди:

— Ҳали бирор ёмонлик ҳам қилишинглари мумкинми?! — у кулгидан тийилиб, яна хотиржам овозда гап бошлади. — Қайга борсам ҳам паспорт кўтариб юришим керакми

ЕШЛАР ИЖОДИ

қасизлар энди. Ўша РОВДга бирров бориб келаемиз.

Икковлон ҳеч нарсага тушунмади.

— РОВДда нима қилаемиз?

— Шунчаки, ҳозирги масала бўйича бошлигинлар билан ҳал қиладиган муаммо чиқиб қолди.

Нималар бўлаётганини англаб етмаган формалилар энди чиндан ҳам ваҳимага тушиб қолишди. "Устимиздан арз қилмоқчи шекилли", деб ўйлашди. Нима қилиб бўлса ҳам бу "сипогина" одамдан қутулмоқчи бўлишди:

— Майли, ака, ҳужжатингизни кўрдик, ҳаммаси жойида экан, кетаверинг, деяпмиз-ку!

— Мен сизлар айтмасангиз ҳам кетаман.

Икковлон қараса, вазият жиддий. Бу одамнинг мақсадини тушунолмадилар-у, аммо "келишув" тақлиф қилмоқчи бўлишди. Новчаси секин домланинг қўлтигидан олиб, четга ўтди:

— Ака, илтимос, хафа бўлманг. Бизам одамимиз, янгилишимиз. Агар хизмат бўлса, айтаверинг.

Домла энди қаҳ-қаҳ отиб кулгиси келди-ю, яна ўзини босди. Аммо худди шу гапни нишон қилиб олди:

— Ана энди бормасак бўлмайди. Қани, юринглари-чи, — домла машинаси томон секин одимлади.

У машина эшигини очиб, ортига ўғирилган эди, не қўз билан кўрсинки, бояги икки азамат тез-тез юриб, оломон ичига кириб кетаяпти. Домла мийиғида кулиб қўйди:

— Ҳа, "хизматчилик" дан бошқасини билмайдиганлар-ай!

Бу воқеага анча бўлган. Бугун осойишталигимиз пост-бонлари орасида бунақалари деярли учрамайди. Қолаверса, барча домлалар ҳам афсуски ўз ҳуқуқларини ҳикоямиз қахрамонидек биллавермайди.

Бобур ЖАЛОЛОВ



Ўзинг бахтилли,
Ўзинг каломилли

ОРЗУ

Орзуга айб йўқ, дермиш донодар,
Дунёда уммасиз яшамас одам.
Йўлингиз қўйишга қалагиз толамай,
Қалбингизга пилалаар улағисин мулоам.

Пок ният яшасин ҳар доим қалбаа,
Ғамларни енгмоққа етсин бардошинг.
Қалбаага орзуниг ушлагай шунлаа,
Порлагай доимо иқбола қўйишинг!

Умр ўтиб борар оқар сув кабу,
Оққан сув ормига қайтибми ҳеч вақт?
Бу ёшлик баҳори куртакларнаа,
Ғанимат саналар билсанг ҳар фурсат.

Кўзиман шўкилар умиллар ранги,
Алаовнинг гулларга кўнлаган борлиқ.
Мен бугун бахтлиман, фақат эртага
Яна болаликка қайтамани, йўқ?

БАТАН

Шоирларнинг сузча дoston,
Боболарнинг назoлаа бустон,
Боболаран қолган гул макон,
Сўзларимнинг дурсан Ватан.

Сенаа кулгай бахтиим, ҳабобим,
Боболарингга кезгай қаёлим,
Ўзинг аарам, ўзинг камолим,
Юрагимнинг дурсан Ватан.


Ҳаммага менг меҳрини сочган,
Ҳар майсаси қалбаларга кучган,
Дунёларга бағриши очган,
Шарқ қўйиш нурсан Ватан.

Мадина НОРЕКОВА,
Жиззах шаҳар 6-умумтаълим мактаби
9-синф ўқувчиси.

Пўлат Саидқосимов:

“Санъат фақат тирикчилик воситаси эмас!”

Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов психологик мураккаб роллар устаси сифатида ном қозонган. Ўзига хос овоз эгаси бўлган санъаткор ярим асрдан ошқ вақт мобайнида кино ва театрда юзлаб ролларни маромига етказиб ижро этди. У талқин этган образлар содда ва самимийлиги, ҳаётининг, бетакрор нутқи билан ажралиб туради. Актёр ижросидан Абу Райхон Беруний, Абдулатиф, Аврағзеб, Мирзақаримбой, Мухаммад чатоқ каби роллар кино ва театрининг ёрқин образлари дея эътироф этилади.



шу рутбага муносиб бўлиши керак. Тўғри, ахён-ахёнда бўлса-да, “Дарахтлар тик туриб жон беради”, “Бир қадам йўлга” ўшаган яхши саҳна асарлари кўйилаяпти. Лекин умуман олганда, театр томошабин савиясини кўтариш ўрнига тобора ўтмаслашиб бораётган дидга мослашаётгандек. “Агар пьеса кучсиз бўлса, унинг саҳнадан тушишига ёрдамлашиш керак. Ким билади, балки саҳнага чиқиб олгач, тушишга кучи етмаётгандир” дейди театрининг даргаларидан бири. Ҳазиломуз айтилган бу гапда аччиқ ҳақиқат бор...

Устозларимиз белгилаб берган мезонлар жуда баян эканми ёки ўзимси ҳам жуда талабчан бўлиб кетдикми, санъатга янги кириб келётган ёшлар орасида тўғма талантили, ярқ этиб кўзга ташланадигани кам. Аслида-ку, актёрлар анча кўпайиб қолган. Даврларда ҳеч кимга гап бермаётган ёшларни кўриб қоламиз. Ким экан бу деб суриштирсак, у “машҳур” санъаткор бўлиб чиқади...

Устоз санъаткорлар спектакль бошланишидан беш-олти соат олдин келиб унга ҳозирлик кўришарди. Ҳозир-чи? Айрим актёрлар ўн дақиқа қолганида амал-тақал қилиб етиб келиб, ролини ўйнайди-ю, кейин тўйга шошади. Тўй орқали таниламан, санъатда бирор натижага эришаман деган одам адашади. Бунақа йўл билан фақат омонат обрў-ю, ўткинчи давлатга эришиш мумкинлиги. Аммо санъат фақат кун кўриш, пул топиш воситаси эмас!

Назаримда, санъатга кириб келадиган ёшларга ижро маҳоратидан ҳам аввал саҳна масъулияти, ижодкор хулқ-атвори каби муҳим жиҳатларни ўргатиш керак.

— Бугунги кино санъати га қандай баҳо берасиз? Бир марта намойиш этилар-этилмаз экрاندан тушиб кетаётган арзон-гаров фильмлар ўрнига дунё кино борига қиқираган умубоқий фильмлар яратиш вақти келмадимики?

— Классика даражасида янги кинокартиналар яратиш керак, албатта. Амир Темур ҳақида бадий фильм олинди. Картина учун давлат томонидан қаттигина маблағ ажратилган. Лекин... Амир Темур — дунё тан олган саркарда! У ҳақда олинган фильм ҳам жаҳон тан оладиган савияга бўлиши керак! Тарихимизда фильм қилиш мумкин бўлган, тайёр киноматериаллар кўп. Масалан, кўрқмас саркарда Жалолиддин Мангуберди тўғрисида бақувват фильм иш-лаш мумкин.

Санъат — покиза тушунча, унга пул, таъма, фарз аралашдими, у тижоратга айланди деяверинг! Хусусий студияларнинг энгил-елли кинолари кўпайётганидан мен ҳам ташвишланман. Пул тикаман деган хотамти топила бас, сёмкага тушиб кетишарди. Натижада “хон-тахта” дейсизми, “тижорат”ми — бир марталик фильмлар кўпайиб бора-

япти. Фильмларнинг тезкорлик билан олинаётганини айтмайсизми! Халигача охори йўқотмаган, катта-ю, кичик томошабинни ҳайратга солаётган фильмлар, дейлик, “Насриддин Бухорода” картинаси бир неча йил давомида олинган. Ҳозир эса ундабурон ижодкорлар бир бадий фильмни ўн беш-йигирма кунда олиб қўйишарди. Фильм шунда олиб-шошарлик билан олинган, савия ҳам шунга яраша бўлади-да. Киноижодкорлар кўпайгани яхши. Аммо кинони конвейерга айлантириб юбормаслик керак.

— Гап айланиб, режиссурага келиб тақалмоқда. Актёр сифатида ҳали йўлини топиб улгурмасдан режиссёрликда ўзини синиб кўраётганлар бор. Бу эса муҳлислар тасаввурда режиссёрлик ҳар ким эллай олади-ган иш экан-да, деган қарашни шакллантираётгандек...

— Актёр агар режиссурада кучини синиб кўрмоқчи экан, майли, бир кўрсин соҳанинг паст-у, баландини. Аммо режиссёрлик давово килаётган валломатининг одамларга айтадиган сўзи йўқ бўлса, унда ўзини ҳам, томошабинни ҳам овера қилмагани маъқул. Одам бирор университетда ўқиб шоир ёки ёзувчи бўлиб қолмаганидек, санъат институти дипломини олиш билан ҳам режиссёрга айланмайди. Тўғма истеъдод эгаси, кўнглида дарди бор ҳос-сос одамдангина чинакам режиссёр етишиб чиқади. Комил Ерматов, Наби Ганиев ана шундай ижодкорлар эди. Сунгги йилларда Зулфигор Мусоқов яхши асарлар олди. Ёшлардан Аюб Шаҳобиддинов, Ёлқин Тўйчиев ўз йўлини топишга интиляпти.

— Киноасарнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг адабий негизи — сценарийга боғлиқ. Яхши картиналар учун балки маҳорат билан ёзилган сценарийлар етишмаётгандир?

— Илгари катта ёзувчилар ҳам киносценарийга минг бир истихола билан қўл уришарди. Ҳозир осон бўлиб қолдики, ул-бул машқ қилиб юрган бошловчи ижодкорлар ҳам сценарий ёзишга тушиб кетишди. Авваллари адабиётда шов-шув бўлган асарлар тез фурсатда кино ва театрга кўчарди, улар асосида спектакль ва кинокартиналар яратилди. Адабиёт ва санъат аҳли жуда яқин ижодий ҳамкорликда иш-лашарди. Назаримда, бугун ана шу ҳамкорлик анча сусайиб қолгандек.

Аммо сунгги йилларда ёзувчи Эркин Аъзам асарлари асосида яхши фильмлар олинди. Кино ривожига мунаққидликнинг ҳам ўрни катта. Худди адабиётшуносликда бўлганидек, кинода ҳам бадий фильмларни таҳлил қиладиган, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарадиган, актёрнинг ютуғи-ю, камчилигини кўрсатиб берадиган ҳолис танқидчилар сув ва ҳаводек зарур.

Абдул БОСИТ сўхбатлашди.


ҲАМИОРТЛАРИМИЗ ЭЛЛИК ТЎРТТА МЕДАЛЬ СОХИБИ

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда муваффақиятли иштирок этган ҳамиюртларимиз Зилола Бўриева, Махлӣ Тоғаева, Нафиса Асқарова, Елена Сисоева ва Раҳима Каримова учтадан, Руслан Нуриддинов иккита олтин медаль жамғариб, Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзолари даст ва силтаб кўтариш ҳамда икки кураш натижаларига кўра йигирмата олтин, йигирма бешта қумуш ва тўққизта бронза — жами эллик тўртта медални кўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида йигирма ёшга бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳам, қизлар терма жамоамиз ҳам биринчи ўринни эгаллади. Хитой ва Туркманистон клублари эса кучли учликдан ўрин олишди.

Катталар ўртасида ҳам ўзбекистонлик спортчилар юқори натижаларни қайд этишди. Хотин-қизлар баҳсида терма жамоамиз аъзолари шоҳсулпанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Иккинчи ва учинчи ўринни Индонезия ҳамда Бангладеш клублари банд этди. Эркалар баҳсида эронликлар биринчи, ҳамиюртларимиз иккинчи, корейликлар эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ



Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўндан зиёд мамлакатдан келган эллик олти нафар шахматчи иштирокида ўтказилган халқаро турнир якунланди. Унда муваффақиятли қатнашган ҳамиюртимиз Антон Филиппов рақиблири орасида тенгсиз бўлди.

Моҳир шахматчимиз тўққиз турдан иборат мазкур мусобақани мағлубиятларсиз ўтказиб, олти ярим очко жамғаришга эришди. У беллашулар давомида филиппинлик Эдгардо Гарма ва Ричард Битунни, хиндистонлик Нилотпал Дас ҳамда вьетнамлик Тин Хай Даони мот қилган бўлса, грузиялик гроесмейстерлар — Мераб Гагунашвили, Михаил Мхедлишвили, филиппинлик Дарвин Лайло, вьетнамлик Нгос Сон Нгуен, қозогистонлик Пётр Костенкога қарши баҳсларда дурангга эришди.

АЖОЙИБ ГОЛ



Аргентинанинг «Бока Хуниорс» футбол жамоаси ҳужумчиси Мартин Палермо мамлакат чемпионатида «Велес Сарсфилд» клубига қарши кечган учрашувда боши билан қирқ метрдан зарба бериб, рақиб дарвозасига тўп киритди. Футболчи рақиб дарвозабони Херман Монтоянинг қўпол хатосидан унумли фойдаланган. Яъни «Велес Сарсфилд» клуби дарвозабони сафдошларининг навбатдаги ҳужумини бошлаб бериш мақсадида ўз жойини тарк этган ҳолда тўпни майдон марказига оширади. Тўп эса тўппа-тўпри Мартин Палермонинг бошига келиб ташлади. Учрашувнинг 72 дақиқасида киритилган ушбу гол «Бока Хуниорс» жамоасига галаба келтирди.

УЧРАШУВ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЭФИРГА УЗАТИЛМАЙДИ



Инглизлар футбол бўйича 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш доирасида ўтказилдиган Украина ва Англия терма жамоалари ўртасидаги учрашувни телевидение орқали тўғридан-тўғри томоша қилолмайдиган бўлди. Қатор оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, Британиянинг бирорта ҳам телеканали бу ўйинни трансляция қилиш ҳуқуқини сотиб олмаган. Днепрпетровскда ўтказилдиган ўйинни бир неча кун аввал Англиянинг Setanta телеканали жонли эфирда кўрсатиши кутилган эди. Аммо ушбу телеканал ҳам молиявий сабабларга кўра бу режадан воз кечишга мажбур бўлди. Украина — Англия учрашуви трансляциянинг ҳар бир дақиқаси нархи 4,99 фунт стерлингни ташкил қилади. Мазкур ўйин фақат интернет орқали узатилиши мумкин.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2009 йил 21 октябрда чоп этилади.

ОЙБЕК:

“ҲАҚСИЗЛИККА ҚАРШИ ТОРТИШМОҚ ОЛИЖАНОбЛИҚДИР”

Таниқли ёзувчи ва шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг бой адабий мероси бор. “Навойи”, “Қутлуг қон”, “Улуғ йўл”, “Болалик хотираларим”, “Нур қидириб” ва қўплаб бошқа асарлари шулар жумласидандир.

Адиб кўпларга ўрнатилган ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтган. Шу боисдан бўлса керак, унинг китобларида умр чигирқларида тобланган мулоҳазалар кўп. Кинода ижодкорнинг “Қутлуг қон” ва “Нур қидириб” номли асарларидан олинган ибратомуз фикрлар эълон қилинмоқда.

Одамнинг ҳайвони киши ҳақидан кўрқмайди, киши молига кўз олайтиради.

Ер сотган эр бўлмайди, эр киши ер сотмайди.

Пул асов қушга ўхшайди, сал бўш тудингми, қўлингдан учеди-кетеди.

Маслаҳатгўйлик осон нарса-да, тил қимирлайди, холос.

бир ёқдан эриб кетади.

Манманлик — худо урганик!

Йигит номусли, гайратли бўлса — бас!

Озодлик улуг, муқаддас нарса, унинг учун курашув ҳам муқаддас.

Жасур ва шижоатли бўлиш керак, ҳар қандай кураш бунга талаб этади.

Дарвозадан кирмоқ — хурмат, аммо нахадан ўтиб келмоқ — бузғунчилик ва қароқчиликдир!

Халқ азим бир куч. Халқ озодлик талаб этади, курашади, мен ҳам бир курашчи.

Ҳақсизликка қарши тортишмоқ, халқнинг гамини емоқ олижанобликдир.

Бўхтончилар чиндан ҳам бахтсиз махлуқларки, улар ўз галабалари натижасида юзлари баттарроқ қорайганини, ичлари яна баттарроқ чиркинлашганини сезмайдилар.

Чин севги изтироблар гирдобиди янада ёрқинроқ гуллайди.

Фикр-ўйларингиз, орзуларингиз ичингизда бўлсин, ҳар кимга гапирманг.

Ситора ТОҶИДИНОВА тайёрлади.

Ҳақсизликка қарши тортишмоқ, халқнинг гамини емоқ олижанобликдир.

Ситора ТОҶИДИНОВА тайёрлади.

HURRIYAT logo and contact information for the newspaper.

Box for the editor Abdurasul Zhumakul and other editorial staff.

Box for the publisher Hurriyat Manzili and subscription information.

Box for the publisher Sharq and other publishing details.